

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№3/2019(144) 1995 йилдан чиқа бошлаган

## БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

### **БОШ МУХАРРИР:**

Шодиқул ҲАМРОЕВ

### **ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Козимджан КАМИЛОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий  
аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2004 йил 17  
декабрдаги 110/4-сонли  
қарорига асосан ҳуқуқий,  
илмий-амалий журнал  
ваколати берилган.

Босишга 07.06.2019 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 5600 нусха.  
Буюртма № 135.

### **МУНДАРИЖА**

2. Суд амалиёти

40. А. РАҲИМОВ

*Суд органлари фаолияти янада такомиллашади*

42. И. НАСРИЕВ

*Ҳуқуқий тараққиёт сари яна бир муҳим қадам*

45. Ш. ГАЙБЕРДИЕВ, О. РЎЗИМУРОДОВ

*Янги қонун: суд тизими ходимларига мансаб даражалари  
бериш тартибига ўзгартириш киритилди*

### **СОДЕРЖАНИЕ**

48. Х. МАМАТКУЛОВА

*Специальные знания и формы их использования при  
расследовании преступлений в сфере информационных  
технологий*

52. У. РАХИМОВА

*Тактические особенности применения специальных познаний  
в сфере информационных технологий при производстве  
отдельных следственных действий*

# ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

## ЖИНОЯТНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**1. Ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши керак.**

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2015 йил 11 августдаги ҳукмига кўра, М.Т. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в" банди, 248-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 1-қисми билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 8 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Т. таниши Б.З. билан жанжаллашиб, Б.З. уни уятли сўзлар билан ҳақоратлаганлигидан жаҳли чиқиб, уни қасддан ўлдириш мақсадида "ТОЗ-8м" русумли қирқма милтиғини олиб чиқиб, кекса ёшли ожиз аҳволдаги Б.З.нинг чап кўкрак қисмига милтиқ билан бир марта отиб қасддан ўлдирган ҳамда Б.З.нинг мурдасини Сирдарё дарёсига ташлаб юборган.

Суд М.Т. томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в" банди билан квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 8-бандида айбдорнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан квалификация қилишда, ожиз аҳвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги, жуда ёш ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳуш ҳолатда ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкоголь, гиёҳванд-

лик воситаси ёки психотроп модда таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши кераклиги, бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳолатига кўра, жабрланувчи марҳум Б.З. 64 ёшда бўлиб, унинг жисмоний ёки бошқа нуқсонлари бўлмаган, жамиятда фуқаролар билан фаол муносабатларга киришиб келган, физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ўзини ҳимоя қилишга, судланувчи Б.Т.га фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатлари аниқланмаган.

Бундан ташқари судланувчи М.Т. жабрланувчи Б.З.ни "ТОЗ-8м" русумли қирқма милтиғи билан бир мартаба отиб, уни қасддан ўлдирган бўлиб, бундай ҳолатда Б.З.нинг ожиз аҳволда бўлганлиги аҳамиятга эга эмас. Яъни суд жабрланувчи Б.З.нинг фақатгина 64 ёшга тўлганлигини жуда кекса ёшда, яъни судланувчи М.Т.га нисбатан ожиз аҳволда бўлган, деб топиб, барвақт хулосага келган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан М.Т.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в" бандидан шу кодексининг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинган.

**2. Айбдорнинг ҳаракатларини безорилик, яъни жамиятга ва умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларига рўй-рост ҳурматсизлик замирида содир этилган (масалан, ҳеч бир сабабсиз ёки арзимаган сабаб туфайли) қасддан одам ўлдириш сифатида квалификация қилиш учун айбдорнинг феъл-атворида жамоат тартибига ошкора бўйсунмаслик, атрофдагиларга нисбатан ўзини қарши қўйиш, беписандлик намойиш этиш истаги мавжуд бўлиши зарур.**

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2008 йил 5 мартдаги ҳукмига кўра, И.Я. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "л" банди билан 18 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2012 йил 15 мартдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, И.Я. опаси Р.Я.-нинг уйида бўлганида кўчадан калтакланган ҳолда келган жияни Ф.Х. яна қайтиб чиқиб кетгач, ошхона пичоғини олиб костюмининг чўнтагига яшириб чиқиб, маҳаллада жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, жамоат тартибини қўпол равишда бузиб, жияни Ф.Х. ва Ш.Х.нинг ўртасидаги жанжалга аралашиб, қўлидаги ошхона пичоғини намойишкорога қўллаб, жамоат жойида бўлган Қ.О.ни ҳақорат қилиб, судраб, жанжалга алоқаси бўлмаган Ж.Ш.ни ҳеч бир сабабсиз уриб, унинг чап буйрак соҳасига пичоқ билан бир марта уриб, безорилик оқибатида уни қасддан ўлдирганликда айбдор деб топилган.

Суд томонидан иш ҳолатлари тўғри аниқланган бўлса-да, бироқ И.Я.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатоликка йўл қўйилган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 5-бандида агар қилмишда Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек, мазкур кодекснинг 98-101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, масалан, қотиллик безорилик туйғулари билан эмас, балки ўзаро жанжал ёки уришиш натижасида, рашк туфайли, ўч олиш, ҳасад, адоват, нафрат оқибатида содир этилган бўлса, қасддан одам ўлдириш жинояти Жиноят кодексининг 97-мод-

даси биринчи қисми бўйича квалификация қилиниши;

16-бандида безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш жиноятини ўзаро жанжал ёки урушиш оқибатида содир этилган қотилликдан (Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисми) фарқлаш учун уруш-жанжал ташаббускори ким эканлигини, низо одам ўлдиришда баҳона сифатида фойдаланиш мақсадида айбдор томонидан атайлаб уюштирилган-уюштирилмаганини аниқлаш лозимлиги, агар уруш-жанжал жабрланувчи томонидан бошланган бўлса ёки низога унинг ғайриҳуқуқий хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, айбдор безорилик оқибатида одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмаслиги;

безорилик оқибатида, яъни жамиятга ва умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларига рўй-рост ҳурматсизлик замирида содир этилган (масалан, ҳеч бир сабабсиз ёки арзимаган сабаб туфайли) қасддан одам ўлдириш Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми "л" банди билан квалификация қилиниши лозимлиги, бунда айбдорнинг феъл-атворида жамоат тартибига ошкора бўйсунмаслик, атрофдагиларга нисбатан ўзини қарши қўйиш, беписандлик намойиш этиш истаги мавжуд бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатларида аниқланишича, И.Я. томонидан содир этилган жиноятнинг келиб чиқишига Ш.Х., Ж.Ш. ва бошқаларнинг ўзлари сабабчи бўлишган, яъни Ж.Ш. жамоат жойи ҳисобланган кўчада И.Я.нинг юз соҳасига уриб, унга енгил тан жароҳати етказган.

Бироқ суд қайд этилган кўрсатмаларга ҳамда Ж.Ш.нинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари натижасида И.Я. унга пичоқ урганлиги ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Суд И.Я. ҳеч бир сабабсиз жанжалга алоқаси бўлмаган Ж.Ш.ни ўлдирганини асос қилиб, унинг ҳаракатларини безорилик белгиси билан квалификация қилиб, хатолик-

ка йўл қўйган.

Бинобарин, жиноят ишида И.Я. Ж.Ш.ни безорилик оқибатида қасддан ўлдирганини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас, аксинча, безорилик ҳаракатлари Ж.Ш., Қ.О., Ш.Х. ва Ф.Х. томонидан содир этилганлиги аниқланган.

**3. Қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркор.**

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 2014 йил 22 августдаги ҳукмига асосан С. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "б" банди билан 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Шу суд кассация инстанциясининг 2016 йил 28 июндаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С. 2014 йил 22 май кунига ўтар кечаси соат 02:00 ларда маст ҳолда турмуш ўртоғи М. билан ўзлари яшайдиган уйда ўзаро жанжаллашиб, унинг ҳомиладорлигини била туриб, бош ва юз соҳаларига бир неча марта уриб, бўйнидан бўғиб ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказгани натижасида М. шу кун соат 15:00 ларда касалхонада вафот этган. С. турмуш ўртоғини қасддан ўлдирганликда айбдор деб топилган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши лозимлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"-ги қарори 4-бандида қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркорлиги, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат

Шу сабабли судлов ҳайъатининг ажрими билан И.Я.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "л" бандидан шу кодекснинг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинган.

қилиши, баданга оғир шикаст етказиш шахснинг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши, айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жинсий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги кўрсатилган.

Иш бўйича қайд этилган қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Суд С. турмуш ўртоғи М. га жароҳат етказишда бунга имконияти бўлгани ҳолда уни ўлдириши мумкин бўлган ҳеч қандай қурол, буюмлардан фойдаланмагани, жароҳат туфайли ҳушини йўқотганини билгач эса, опасини ёрдамга чақириб, М.ни ўзи шифохонага олиб борганлиги унинг қасди М.ни ўлдиришга қаратилмаганини тасдиқловчи далиллар эканини эътибордан четда қолдирган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан С.га оид суд қарорлари ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "б" бандидан Жиноят кодексининг 104-моддаси 3-қисми "д" бандига қайта квалификация қилиниб, жазо муддати камайтирилди.

**4. Бир неча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодекси тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши керак.**

Жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг 2017 йил 22 июндаги ҳукмига кўра, Р.А. Жиноят кодексининг 219-моддаси 2-қисми, 105-моддаси 1-қисми билан Жиноят кодексининг 57, 59-моддалари тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдорида — 59 910 000 сўм жазима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 18 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.А. "Нексия" русумли автомашинани "Паркент — Янгибозор кўрғони" йўналишида уяли телефондан фойдаланган ҳолда бошқариб кетаётганида, Паркент шаҳри, Марказий кўчасида хизмат вазифасини ўтаётган Тошкент вилояти ИИБ ЙПХБ 4-отряд ЙПХ катта инспектори, сержант С.Г. томонидан тўхтатилиб, ҳужжатларини тақдим этиш сўралганида, Р.А. ҳужжатларни беришдан бош тортган, сўнгра С.Г. унга автомашинани жазима майдончасига олиб боришини тушунтирган вақтида, Р.А. ИИБ ЙПХ катта инспекторининг қонуний талабларига бўйсунмасдан, хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, автомашинани ҳайдаб юбориб, 5-6 метр масофага судраб кетиб, С.Г.га чап оёқ 1-бармоқ тирноқ фалангасини асоси ёпиқ синиши, ўнг тирсак бўғими сидириб шилиниши оқибатида "ўртача оғир шикаст" тан жароҳати етказиб, уни хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда айбдор деб топилган.

Суд Р.А.нинг хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакили ҳисобланган ИИБ ЙПХ катта инспектори С.Г.нинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, унинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, ўз хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда ифодаланган жиноятни содир этганликдаги айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини квали-

фикация қилишда хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 8-моддаси 2-қисмига кўра, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги "Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида"ги 13-сонли қарори 8-бандида қилмиш Жиноят кодексининг бир неча моддаларида кўрсатилган объектга нисбатан содир этилганда (умумий ва махсус норма рақобати) жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмаслиги ва у махсус норма бўйича квалификация қилиниши лозимлиги, 10-бандида бир неча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодекси тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарликни белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги, бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаби ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Хусусан, биринчи инстанция суди Р.А.ни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг ўз хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликдаги қилмиши Жиноят кодексининг 219-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топган.

Қонун мазмунига кўра, мажбурлаш вақтида қўлланиладиган жисмоний зўрлик ишлатиш деганда, жисмоний азоб берадиган ҳамда жабрланувчининг иродасига хилоф равишда унинг жисмоний эркинлигини чеклайдиган ҳаракатлар содир этиш, шунингдек, уриш, дўппослаш ва бошқа ҳаракатлар орқали шахс баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказиш тушунилади.

Суд Р.А.нинг хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакили Тошкент вилояти ИИБ ЙПХБ 4-отряд ЙПХ катта инспектори, сержант С.Г. қонуний талабларига бўйсунмасдан, унинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, унга ўрточа оғирликдаги тан жароҳати етказиб, хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда ифодаланган ҳаракатларини Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан ортиқча квалификация қилган.

**5. Қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятидан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркор.**

Жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2017 йил 9 июндаги ҳукмига кўра, Ф.М. Жиноят кодексининг 25 ва 97-моддаси 1-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 18 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ф.М. қариндоши Э.Қ. билан бирга истироҳат боғига келиб, боғда айланиб юрган икки нафар нотаниш қизларнинг йўлини тўсиб, уларга гап отиб турган вақтида, боғда юрган Риштон шаҳрида яшовчи Э.Б. шериги Н.А. билан ушбу ҳолатга аралашиб, Ф.М. ва Э.Қ.лар билан жанжаллашган. Ф.М. билан Э.Қ.лар Э.Б. ва Н.А.ларнинг тарафдорлари кўпайиб кетаётганини кўриб, жанжалдан қутулиш мақсадида, уларни ҳақорат қилиб қочиб, Риштон шаҳар, "Марказ" МФЙ, Риштон кўчасида жойлашган "Риштон ҳақиқати" таҳририяти биноси орқа томонига етиб келиб, у ерда Ф.М. ва Э.Қ.лар уларни таъқиб қилиб келаётган Э.Б. ва унинг шерикларига ўзларининг ёнларида бўлган пичоқни кўрсатиб, агар яқинлашишса, уларни ўлдиришларини айтишган ва қочишда давом этиб кетаётиб, Ф.М. қоқилиб йиқилиб тушганида, уларнинг орқасидан Э.Б. ва унинг шериклари етиб келиб, Ф.М.ни уриб, тепаётганида, Ф.М. қутулиш мақсадида, олдиндан олиб юрган, йиғма пичоқни олиб, қаршида турган Э.Б.нинг кўкрак соҳасига онг-

Апелляция инстанцияси суди ҳам иш бўйича йўл қўйилган камчиликларни барта раф этиш чораларини кўрмаган ва Р.А.га тайинланган жазо жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланганнинг шахсига мувофиқ эканлигини тўлиқ текширмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Р.А.нинг айбидан Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми чиқарилган.

ли равишда қасддан бир марта уриб, воқеа жойидан қочиб кетаётган вақтда, хизмат вазифасини ўтаётган ИИБ ЙХХ ходимлари томонидан ушланган.

Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасида Э.Б.га ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳат етказилгани кўрсатилган.

Жабрланувчи Э.Б. судда, 2017 йил 28 январь куни соат 15 да ўртоқлари билан бирга Риштон туман марказидаги истироҳат боғида кетишаётган вақтда Ф.М. ва унинг шериги Э.Қ.лар икки қизнинг йўлини тўсиб, уларга тегажоглик қилгани сабабли улар билан жанжаллашгани, сўнг Ф.М. ва Э.Қ.лар улардан қочиб кетишгани, уларнинг орқасидан қувиб, тош отишгани, Ф.М. югуриб кетаётиб йиқилиб тушганида, улар Ф.М.ни ўртоқлари билан уриб тепишгани, кейин Э.Қ.ни орқасидан қувлаб кетишгани, у ҳам йиқилган Ф.М.ни тепмоқчи бўлиб олд томонига ўтганида, Ф.М. унинг чап кўкрак қисмига уриб, яна асфальт йўлга қараб югуриб кетгани, сўнг у шериклари билан Ф.М.ни орқасидан югуриб қувлагани, шу пайт Ф.М.ни ИИБ ходимлари ушлаб олишганини кўриб, улар ҳам ўртоқлари билан кўп қаватли уйлар орасига қочиб, 20 метрлар чамаси югурганидан сўнг нафаси қисилиб қолиб, ўртоқларига бу ҳақда айтгани, ўртоғи унинг кийимларини ечаётган вақтда у ҳушини йўқотганини билдириб кўрсатма берган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги

қарори 3-бандида қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкинлиги, чунки бунда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва унинг ўлимини истаган бўлишини, бироқ ўлим айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (жабрдий-данинг фаол қаршилиги, бошқа шахсларнинг аралашуви, жабрланувчига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганлиги ва ҳ.к. туфайли) юз бермаслиги, шу сабабли айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарурлиги;

Қарорнинг 4-бандида қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инobatга олиш даркорлигини, айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноят содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жинoий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзарo муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳолатларидан аниқланишича, Ф.М. қариндоши Э.Қ. билан бирга жабрланувчи

Э.Б. ва унинг шериклари билан жанжаллашиб, жанжалдан қутулиш мақсадида, қочиб кетаётган вақтда йиқилган. Э.Б. ва унинг шериклари Ф.М.ни уриб тепаётган вақтида, Ф.М. ундан қутулиш мақсадида ёнида олдиндан олиб юрган йиғма пичоғи билан Э.Б.нинг кўкрак соҳасига бир марта уриб, Э.Б.га ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказиб, қочиб кетган.

Иш ҳолатларига кўра, Ф.М.ни Э.Б.га пичоқ билан шикаст етказганидан сўнг яна пичоқ билан уриш имкониятига эга бўлган. Демак, Э.Б.ни бошқа пичоқ билан урмаганлик ҳолати, Ф.М.нинг жабрланувчи Э.Б.ни қасддан ўлдириш мақсади бўлмаганлигидан далoлат беради.

Аммо адвокатнинг Ф.М. ўзини ҳимоя қилиб, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, оғир тан жароҳати етказган деб берган важи билан ҳам келишиб бўлмайди.

Чунки Ф.М. жабрланувчи Э.Б. билан юзма-юз ҳoлатда кўкрак соҳасига пичоқ урган. Ўзининг ҳаракати билан жабрланувчига оғир тан жароҳати етказиш мумкинлигини англаган ва хоҳлаган.

Биринчи инстанция суди иш ҳoлатларига етарлича эътибор қаратмасдан қонуннинг мазкур талабига риoя қилмасдан Ф.М.нинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 25 ва 97-мoддаси 1-қисми билан квалификация қилиб, хатоликка йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суди Ф.М.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25 ва 97-мoддаси 1-қисми билан нотўғри квалификация қилинганга эътибор бермасдан биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришсиз қолдирган.

Шу сабабли судлов ҳайъати ажрим билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Ф.М.нинг қилмиши Жиноят кодексининг 25 ва 97-мoддаси 1-қисмидан Жиноят кодексининг 104-мoддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинган.

**6. Айбдорнинг қилмишини уюшган гуруҳ белгиси билан квалификация қилиш учун унинг хусусиятлари ва белгилари тўлиқ аниқланиши, айнан қандай асосларга кўра, жинoий гуруҳ уюшган деб топилганлиги суд қарорларида кўрсатилган бўлиши шарт.**

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2012 йил 2 ноябрдаги ҳукмига кўра, Б.З. Жиноят кодексининг 166-мoддаси 4-қисми "в" банди, 227-мoддаси 2-қисми "а" банди билан Жиноят ко-

дексининг 59-мoддаси тартибида 14 йил 6 ой oзoдликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2012 йил

14 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзга-ришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.З. уюшган гуруҳ таркибида ва унинг манфаатларини кўзлаб, Л.К.нинг қўлида бўлган сумкаси ичидаги 250 000 сўм нақд пул, баҳоси 550 000 сўм бўлган "Nokia-6300" русумли уяли алоқа аппарати ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ томонидан берилган нафақа гувоҳномасини;

такроран С.К.нинг бўйнидаги баҳоси 2 400 000 сўм бўлган тилла занжирини;

такроран Х.К.нинг бўйнидаги баҳоси 1 100 000 сўм бўлган тилла занжири ва баҳоси 600 000 сўм бўлган тилла кулонини очикдан-очик талон-торож қилганликда айбдор деб топилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Б.З.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда ҳа-тога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги "Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақи-да"ги 37-сонли қарори 5-бандида "уюш-ган гуруҳ" деганда, транспорт воситалари-ни олиб қочиш ёки бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушу-нилиши кераклиги, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситалар тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифа-лар тақсимланиши, жиноятни яшириш чо-раларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчи кўрсатмаларига бўйсунлиқ жиноий гуруҳнинг уюшганли-гидан далолат бериши, айблов фикрида ва суд ҳукмида айнан қандай асосларга кўра, жиноий гуруҳ уюшган деб топилганлиги кўрсатилган бўлиши шартлиги;

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 май-даги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 7-сонли қа-рори 24-бандида жиноятни жиноят қону-нининг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хулосаси айблов ҳукми-нинг тавсиф қисми муҳим белгиси ҳисоб-ланиши, бунда судланувчининг ҳаракатла-ри нима учун айнан шу модда, қисм, банд

билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсати-лиши кераклиги, суд судланувчини баҳо-ловчи категорияларга тегишли (масалан, жиддий зиён, оғир оқибатлар ва ҳ.к.) бел-гиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлиги-ни тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Қонун мазмунига кўра, уюшган гуруҳ си-фатида унинг барқарорлиги, унда ташки-лотчининг бўлиши, одатда, бир нечта жи-ноятни содир этиш мақсадида тузилганли-ги, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлиги, ҳар бир ишти-рокчи ўртасида вазифалар тақсимланган-лиги, техника билан таъминланганлиги, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлиги, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташки-лотчисининг кўрсатмаларига итоат қилини-ши тушунилмоғи лозим.

Бундан ташқари жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашган шахсларнинг юқори уюшганлик даражаси, фаолият олиб бориш вақтининг давомий-лиги, иштирокчиларнинг ҳар бири унга юк-ланган вазифага мувофиқ ҳаракатларининг юқори даражада ташкиллаштирилганлиги, жиноятга тайёргарлик ва уни содир этиш жараёнида улар ўртасидаги алоқанинг бар-қарорлиги, жиноят изларини яшириш, гу-руҳдаги интизом ва ташкилотчининг бир неча бор жиноят содир этишига йўналти-рилган кўрсатмаларига бўйсунлиши ва шу кабилар билан тавсифланади.

Шунингдек, уюшган гуруҳни хусусиятлов-чи белгиларидан бири, бу — унинг барқа-рор эканлигидадир, бунда ташкилотчи жи-ноий режани тузади, иштирокчилар ўрта-сида вазифаларни тақсимлайди, улар фа-олиятини йўналтиради ва гуруҳдаги тар-тибни мустаҳкамлайди, шунингдек, гуруҳ интизомини назорат қилади.

Суд иш бўйича қайд этилган қонун та-лабларига ҳамда Пленум қарорлари тушун-тиришларига риоя қилмаган.

Судда Б.З. ва Д.У.лар биргаликда такси-да топиб олган тилла занжирни сотиш учун "Ширин" бозоридаги танишининг олдига келишганда ИИБ ходимлари ушлашгани ҳақида кўрсатма беришган.

Судда жабрланувчи Л.К. кўчада кетаёт-ган пайтда Д.У. ёнига сездирмасдан келиб,



қўлидаги сумкасини тортиб олиб, воқеа жойидан қочиб кетиб яширингани, тергов жараёнида Д.У.ни таниб олгани ҳақида кўрсатма берган.

Судда жабрланувчи Х.К. кўчада кетаётган пайтда унга қарама-қарши томондан Б.З. ва Д.У.лар югуриб келиб, Б.З.нинг бўйнидаги тилла занжирини юлиб олиб, воқеа жойидан яширинишгани, тергов жараёнида Б.З. ва Д.У.ларни таниб олгани ҳақида кўрсатма берган.

Судда кўрсатмалари ўқиб эшиттирилган жабрланувчи С.К. кўчада кетаётган пайтда унга қарама-қарши томондан Б.З. ва Д.У.лар югуриб келишгани, С.К. бўйнидаги тилла занжирини юлиб олиб, воқеа жойидан яширинишгани, тергов жараёнида Б.З. ва Д.У.ларни таниб олгани ҳақида кўрсатма берган.

Суд ҳукмида Б.З.нинг жиноий фаолият олиб бориш мақсадида уюшган гуруҳга бирлашиб, бажарилиши керак бўлган вазифаларни тақсимлаб, жами учта эпизоддан иборат ҳолатларда мол-мулкларни очикдан-очик талон-торож қилганликда айбдор деб топган бўлса-да, бироқ Б.З.нинг қилмишларида уюшган гуруҳ белгиларини тавсиф-

ловчи жиноий фаолият олиб бориш вақтининг давомийлиги, иштирокчиларга юклатилган вазифа ва ҳаракатлар юқори даражада ташкиллаштирилгани, жиноят содир этиш жараёнида алоқаларнинг барқарорлиги, жиноят изларини яшириш, олдиндан тил бириктирган шахсларнинг юқори уюшганлик даражаси, гуруҳдаги интизом ва кўрсатмаларга бўйсунуш каби ҳолатларни инobatга олмасдан, Б.З.нинг уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир этганликда айбли деб топиш ҳақидаги ўз хулосасини асослантirmасдан унинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 166-моддаси 4-қисми "в" банди билан квалификация қилиб, хатога йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам қайд этилган хатони бартараф қилиш чораларини кўрмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг ажрим билан суд қарорларининг Б.З.га оид қисми ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 166-моддаси 4-қисми "в" бандидан шу кодекснинг 166-моддаси 3-қисми "а" бандига қайта квалификация қилинган.

**7. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавfli кўриниши ҳисобланиши туфайли мазкур қилмиш Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш Жиноят кодексининг 273-моддаси бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2017 йил 26 апрелдаги ҳукмига кўра, Г.М. Жиноят кодексининг 25 ва 273-моддаси 5-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 13 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, Г.М.га Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Н.К. 2017 йил 13 январь куни соат 14:00 ларда Андижон шаҳри, Бўстон даҳасида жойлашган "Регистон" номли чойхона олдида, дастлаб-

ки тергов даврида шахси аниқланмаган Фарғона вилоятида яшовчи "Икром" исми танишидан, шу иш бўйича айбланувчи тариқасида жалб қилиниб, ишнинг унга нисбатан қисми алоҳида иш юритувига ажратилган бошқа танишига, у турган жой — Тошкент шаҳрига етказиб бериш учун кўп миқдордаги 29,15 граммни ташкил қилувчи "гашиш" гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадида олиб, шу куни соат 15.00 ларда ўзининг яшаш хонадони — Андижон шаҳар, 3-КЗУ, 1-уй, 38-хонадонда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш учун бангихона ташкил этиб, жиноий шериги Г.М.га 29,15 грамм "гашиш" гиёҳвандлик воситасининг маълум бир қисмини истеъмол қилиши учун бериб

банғихона ташкил қилган. Бундан ташқари ушбу гиёҳвандлик воситаларидан 19,79 граммни Г.М.га 2017 йил 13 январь куни соат 15.00 ларда шу иш бўйича айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниб, ишнинг унга нисбатан қисми алоҳида иш юритувига ажратилган Тошкент шаҳридаги жиноий шеригига етказиш мақсадида берган.

2017 йил 13 январь куни соат 16.00 ларда МХХ Андижон вилоят бошқармаси ва Андижон вилоят ИИБ тезкор ходимлари ҳамкорликда ўтказилган тадбир давомида Андижон шаҳар Муқимий кўчасида жойлашган "Андижон — Тошкент" йўналиши бўйича қатновчи автомашиналар турар-жойига келиб, шу ерда бўлган Г.М.ни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари ўзларини таништириб, унинг эғнидаги кийим-бошлари холислар иштирокида кўздан кечирилганида, нимчасининг орқа қисмидаги яширин равишда тайёрланган чўнтагидан келгусида шу иш бўйича айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниб, ишнинг унга нисбатан қисми алоҳида иш юритувига ажратилган Тошкент шаҳридаги жиноий шеригига етказиб бериш учун сақлаб келатган 19,21 граммни ташкил қилган "гашиш" гиёҳвандлик воситаси борлиги, шунингдек, Г.М.нинг шими чап чўнтагидан Н.К.дан хизмат ҳақи сифатида олган 0,58 грамм "гашиш" гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланиб, холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олиниб, Г.М. ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли жиноий ҳаракатларини охирига етказа олмаган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Г.М.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 12-сонли қарори 21-банди 4-хатбошисида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг

энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш Жиноят кодексининг 273-моддаси бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши;

24-бандида, агар шахс гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни олувчига, аслида мазкур восита ёки моддаларнинг эгаси бўлган бошқа шахснинг илтимоси (топшириғи) бўйича берса, уларни бераётган шахснинг ҳаракатлари, башарти, у берилаётган нарсанинг хусусияти тўғрисида аниқ билиш имкони бўлсагина, мазкур восита моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишда биргаликдаги бажарувчи сифатида квалификация қилиниши лозимлиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Суд иш бўйича қайд этилган Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилмаган.

Иш материалларидан кўринишича, Г.М. жиноий шериги Н.К. томонидан 2017 йил 13 январь куни тақдим этилган кўп миқдордаги "гашиш" гиёҳвандлик воситасини, унинг бир қисмини ўзига олиб қолиш шарти билан Тошкент шаҳрига олиб бориб, у айтган шахсга етказиб бериши керак бўлгани, бироқ ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида "Андижон — Тошкент" йўналиши бўйича қатновчи автомашиналар турар-жойида далилий ашё билан қўлга олинган.

Судланган Г.М. судда, у "Андижон — Тошкент" йўналиши бўйича аҳолига пуллик хизмат кўрсатиши, Н.К. билан шу тариқа таниб қолгани, 2017 йил 13 январь куни Н.К. унга қўнғироқ қилиб, уйига келишини айтгани, уйига борганида Н.К. унга наша чекишни таклиф қилгани, у рози бўлиб истеъмол қилгани, сўнг унга қора рангли целлофан пакетга ўралган "гашиш" гиёҳвандлик воситасини бериб, Тошкент шаҳрига олиб бориб беришни, кимга олиб бориб беришни "СМС" орқали унга хабар қилишини айтгани ва унга оқ целлофан пакетда бўлган "гашиш" гиёҳвандлик воситасини бериб, "Бу сизга

олиб бориб берганингизга" деб айтгани ҳақида;

судланган Н.К. судда, "Р." исмли таниши унга "гашиш" гиёҳвандлик воситасини "И." исмли шахсдан олиб, бир қисмини ўзи истеъмол қилиб, қолган қисмини Тошкент шаҳрига жўнатиб юборишини айтгани сабабли у таниши Г.М.га қўнғироқ қилиб, унга уйига келишини, Тошкент шаҳрига бериб юбориши керак бўлган нарса, яъни "почта"си борлигини айтгани, шунда Г.М. уни уйига келган вақтида унга "гашиш" гиёҳвандлик воситасини Тошкент шаҳрига олиб бориб беришини, хизмат ҳақи сифатида бир қисмини унга бергани ҳақида кўрсатма берган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 7-сонли қарори 4-бандида, иш бўйича ҳукм материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши кераклиги тушунтирилган.

Суд ҳукмда судланган Г.М.нинг "гашиш" гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганликда айбдор деб топган бўлса-да, бироқ Г.М.нинг "гашиш" гиёҳвандлик воситасини кимга, қанчага сотиши тўғрисида келишганлик ҳолати бўйича аниқ далиллар мавжуд эмаслигини инобатга олмасдан, Г.М.нинг "гашиш" гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд этганликда айбдор деб топиш ҳақидаги ўз хулосасини асослантirmасдан унинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми билан квалификация қилиб, ха-

тога йўл қўйган.

Кассация инстанцияси суди ҳам қайд этилган хатони бартараф қилиш чораларини кўрмасдан, суд ҳукмини ўзгартириб, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда жазо тайинлаб, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликни бартараф этиш чорасини кўрмаган.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 6 сентябрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2017 йил 26 апрелдаги Г.М. ва Н.К.ларга нисбатан чиқарилган ҳукмининг Н.К.га нисбатан қисми ўзгартирилиб, Н.К.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмидан Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 3-қисми "б" бандига, Жиноят кодексининг 273-моддаси 4-қисмидан Жиноят кодексининг 274-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, жазо тайинланган.

Бундай ҳолда, иш бўйича чиқарилган суд қарорларининг Г.М. ушбу "гашиш" гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганлик ҳолатини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2017 йил 26 апрелдаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 13 июлдаги ажримининг Г.М.га оид қисми ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисмидан 273-моддаси 3-қисми "б" бандига қайта квалификация қилинган.

## ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

### **1. Соғлиқни сақлаш муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тиббиёт бошқармаси бошлигининг қарори асосида амалга оширилишига йўл қўйилмайди.**

Аризачи Турсуной Бекжонова М. туман ҳоқими хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳоқимияти зиммасига М.туман Тиббиёт бирлашмасининг 2009 йил 22 октябрдаги 3-сонли қўшма қарорига асосан балансдан чиқарилиб, у томонидан қабул қилиб олинган, "Олмазор" МФЙ, Учтут қишлоғида жойлашган ҚВП биносига эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклатишни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 7 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан аризаچининг шикояти қаноатлантирилиб, М. туман ҳоқимияти зиммасига М. туман, Учтут қишлоғида жойлашган қишлоқ врачлик пункти биносига аризачи Турсуной Бекжонованинг эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбурияти юклатилган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 9 февралдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 12 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, аризаچининг шикоятини рад қилиш ҳақида янги ҳал

қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, М. тумани Тиббиёт бошқармаси ва касаба уюшмаси қўмитаси раёсатининг 2009 йил 28 сентябрдаги 3-сонли қўшма қарорига асосан тиббиёт ходими Турсуной Бекжонова узоқ йиллик меҳнат фаолияти даврида ҚВП биносини доимий равишда ўзи таъмирлаб келганлиги муносабати билан бино ва унга тегишли ер майдони унинг ҳисобига ўтказилган.

Суд аризаچининг талабларини қаноатлантиришда юқоридаги қўшма қарорга ҳамда у низоли бинони ўз ҳисобидан таъмирлаб турар-жой сифатида фойдаланиб келганлигига асосланган.

Бироқ "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисми 27-бандига асосан, соғлиқни сақлаш муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан амалга оширилиши белгиланганини эътибордан четда қолдирган.

**6-2007-18-сонли иш**

### **2. Уй-жой рўйхатида турган фуқарони, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топмасдан туриб, олти ойдан ортиқ муддат давомида уй-жойда яшамаганлиги асоси бўйича уйдан кўчириш мумкин эмас.**

Юлдуз Исаева жавобгар Ҳамро Шариповга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, турар-жойга киритишни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 24 майдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 26 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 14 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогар-

нинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Юлдуз Исаева жавобгар Ҳамро Шариповнинг ўғли А.Каримов билан 2015 йил октябрда никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қуриб, Зомин тумани, Помир кўчаси, 12-уйга келин бўлиб тушган, биргаликдаги турмушларидан бир нафар фарзанди бор.

Ю.Исаева 2016 йил 14 апрелда келин бўлиб тушган уйга доимий рўйхатга қўйилган, шу уйда оила аъзолари билан 2016 йил декабргача яшаб келган, бироқ оиладаги ўзаро келишмовчиликлар туфайли уйдан чиқиб кетган, лекин шу уйда доимий

рўйхатда қолган.

Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидир. Бу шахслар уй, квартиранинг, мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам, уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Ушбу кодекснинг 52-моддасига биноан, муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой

олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради. Фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу турар жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибида амалга оширилади.

Лекин судлар ушбу қонун талаблари ҳамда жавобгарлар даъвогарларни уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топишни сўраб судга мурожаат қилмаганлигини инобатга олмасдан даъвонинг рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

**6-115-19-сонли иш**

**3. Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 263-моддаси талабига кўра, ҳал қилув қарори мазмунини ўзгартирган ҳолда тушунтириш бериш мумкин эмас.**

Маҳмуд Муродов жавобгар "Муборак" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ишга тиклашни, мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашни, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарарларни ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 13 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 8 ноябрдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра, даъвогар М.Муродов "Муборак" масъулияти чекланган жамиятига аввалги "Маданият ва дам олиш парки"га 3-даража билан 0,5 ставка ишчи вазифасига тенг бўлган вазифага ишга тикланган.

"Муборак" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фаррух Нафасов суд қарорига нисбатан тушунтириш беришни сўраган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 6 декабрдаги ажрими билан кассация инстанциясининг 2018 йил 8 ноябрдаги ажрими юзасидан "Муборак" масъулияти чекланган жамиятида иш ўрни бўлган тақдирда, даъвогар М.Муродов "Муборак" масъу-

лияти чекланган жамиятига, агар жамиятда иш ўрни бўлмаган тақдирда, жамиятга тегишли бўлган бошқа корхоналарнинг бирига ("Табиат" масъулияти чекланган жамияти, "Тиббий-тола" масъулияти чекланган жамияти, "Шовот-Текс" масъулияти чекланган жамияти) аввалги вазифасидан кам бўлмаган вазифага ишга тиклаш ҳақида тушунтириш берилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 13 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларига тушунтириш бериш ҳақидаги ажрими бекор қилиниб, аризани рад қилиш ҳақида янги ажрим чиқарилган.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 263-моддасига кўра, ҳал қилув қарори ноаниқ бўлса, ишни ҳал қилган суд ўз ташаббусига ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига, шунингдек, ҳал қилув қарорини ижро этиш зиммасига юклатилган органлар ва давлат ижрочисининг аризасига кўра, ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтиришга ҳақли.

Бироқ кассация инстанцияси томонидан суд қарорининг мазмуни ўзгартirilган ҳолда тушунтириш берилган.

**6-536-19-сонли иш**

**4. Шартномадан келиб чиқадиган муносабатлар мажбуриятларнинг бири тури ҳисобланса-да, суд ушбу тоифадаги низоларга даъво муддати қўлланилмайди, деб асоссиз хулосага келган.**

Даъвогар И.Аминов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Д.Турдиевдан 1.850 АҚШ доллари ва 850.000 сўм қарз суммасини банк фоизи билан ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 26 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатландирилиб, даъвогар И.Аминовнинг фойдасига жавобгар Д.Турдиевдан 15 259 650 сўм асосий қарз суммаси, 2 025 851 сўм фоизи, давлат фойдасига 605 300 сўм давлат божи ундирилиши белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 11 сентябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 12 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар И.Аминов жавобгар Д.Турдиевга 2007 йилда 1 850 АҚШ доллари ва 850 000 сўмни қарзга берган.

Бу ҳақда жавобгар Д.Турдиев ўз қўли би-

лан 1 850 АҚШ доллари ва 850 000 сўм олганлиги ва ушбу қарз суммасини 2008 йил 30 июнда қайтариши ҳақида тилхат ёзиб берган.

Фуқаролик кодексининг 735-моддасига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Бироқ 2008 йил 30 июндан даъвогарда қарз суммасини қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келган бўлса-да, 2018 йил 25 июнда қарзни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида жавобгар томонидан даъво муддатини қўллаб, даъвогарнинг талабларини рад этиш тўғрисида ариза тақдим қилган бўлса-да, судлар жавобгарнинг даъво муддатини қўллаш ҳақидаги аризани муҳокама қилиб, Фуқаролик кодексининг 164-моддасига асосланиб, мулк ҳуқуқи муддатсиз эканлиги ҳақидаги қонун нормасига асосланиб, мазкур аризани асоссиз рад этган.

**6-335-19-сонли иш**

**5. Умрбод таъминлаш бўйича ёзма келишувда мулкдорга қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилмаган бўлса, умрбод таъминлаш шартномасини ҳақиқий, деб топиш мумкин эмас.**

Даъвогар Л.Ибрагимова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Х. шаҳар, А.Авлоний кўчаси, 93-уй, 13-хонадонга нисбатан ўзи ва К.Шарипов ўртасида 2013 йил 8 январда тузилган умрбод таъминлаш шартномасини ҳақиқий, деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 21 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатландирилган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 19 июлдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 12 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал

қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Х. шаҳар, А.Авлоний кўчасида жойлашган 93-уйнинг 13-хонадони марҳум К.Шариповга тегишли бўлган, у 2017 йил 5 сентябрда вафот этган.

Марҳум К.Шарипов ҳаётлик вақтида даъвогар Л.Ибрагимова билан ўзаро ёзма келишув тузиб, унга кўра, даъвогар Л.Ибрагимова марҳум К.Шариповни умрининг охиригача моддий ва маънавий томондан таъминлаши, вафот этганидан сўнг унинг барча дафн маросимларини ўтказишни ҳамда қабр тоши ўрнатишни ўз зиммасига олган.

Бунинг эвазига марҳум К.Шарипов даъвогар Л.Ибрагимовага низоли хонадонни мулк ҳуқуқи асосида қолдириш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Ушбу шартнома гувоҳ Н.Абдурахмонова

иштирокида қўлёзма шаклида тузилган бўлиб, нотариал тартибда тасдиқланмаган.

Қуйи судлар даъвогар Л.Ибрагимова шартномада кўрсатилган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажарганлигини инобатга олиб, Фуқаролик кодексининг 112, 530, 531-моддаларига асосланиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Фуқаролик кодексининг 531-моддасига кўра, умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасида бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Бериладиган уй-жой (уйнинг бир қисми),

квартира ва моддий таъминот қиймати тарафлар келишуви билан белгиланади.

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу кодекснинг 110-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим.

Бироқ судлар умрбод таъминлаш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланмаганлигига ҳамда шартномада қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилмаганлигига эътибор қаратмаган.

**6-336-19-сонли иш**

### **6. Мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилмаган бўлса, суд томонидан шартнома бекор қилиниши мумкин эмас.**

"Бунёдкор" масъулияти чекланган жамияти жавобгар Ш.Салимовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда шартномани бекор қилиш ва уйдан кўчиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 4 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 18 октябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 29 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар "Бунёдкор" масъулияти чекланган жамияти ҳамда жавобгар Ш.Салимов ўртасида 2011 йил 5 апрелда 11-сонли қурилишда иштирок этиш шартномаси тузилган.

Шартноманинг 1.2-бандида Ш.Салимов қурилишга 115 000 000 сўм тўлов киритиши, тўлов эвазига қурилиш ҳудудидан бит-

та турар-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини олиши кўрсатилган.

Шартноманинг 2.2-бандига кўра, Ш.Салимов шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган сумманинг 25 фоизини, яъни 28 750 000 сўмини 2011 йил 25 апрелга қадар, қолган 86 250 000 сўмини уй-жой топширилгандан кейин бир ой ичида тўлаши лозим бўлган.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 238-моддасига мувофиқ мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт. Мажбуриятни бажариш усули, агар бу усул мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса ва қонун билан белгилаб қўйилган бўлмаса, шартномада кўрсатилган бўлиши керак.

Юқоридаги шартноманинг 3-бандида, "Бунёдкор" масъулияти чекланган жамияти шартномада белгиланган шартлар асосида қурилиш ишларини бажариш ва уй-жой битказилганидан кейин Ш.Салимовга топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлса-да, жавобгар Ш.Салимовга низоли уй топширилмаганлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

**6-158-19-сонли иш**

**7. Чекланган тарзда фойдаланиш(сервитут) ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар тегишли ваколатли органларни ишга жалб этишлари ва уларнинг хулосаларига асосланиши лозим.**

А.Дехқонов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар "Ilhom trade" масъулияти чекланган жамияти фойдаланишидаги ер майдонидан ўзи ва транспорт воситалари кириб чиқиши учун фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 28 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Унга кўра, даъвогар А.Дехқоновнинг жавобгар "Ilhom trade" масъулияти чекланган жамиятига тегишли Қ. шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 10-уйда жойлашган кўчмас мулкнинг кириш дарвозасидан даъвогарга тегишли мулк ёнига қадар бўлган масофада энига 6 метр бўлган ер майдонидан пиёда ва транспортда ўтиш мақсадларида чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 16 августдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 22 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Қ. шаҳар, Алишер Навоий кўчасидаги 10-уй "Ilhom trade" масъулияти чекланган жамиятига, 10 "б"-уй Азиз Дехқоновга тегишли бўлган, даъвогар ўз мулкидан фойдаланиш учун жавобгарга те-

гишли бўлган дарвоза ва унга бириктирилган ер майдони орқали ҳаракатланиб келган.

Фуқаролик кодексининг 173-моддасига кўра, ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек, кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминланиши мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги 3-сонли қарори 16-бандига кўра, сервитут белгиланиши ва унинг шартлари хусусидаги ишларни ҳал қилишда судлар, тегишли ваколатли органларни ишга жалб этишлари ва сервитут белгилаш юзасидан уларнинг хулосасини олиши шарт.

Бироқ судлар тегишли хулосаларни олмасдан даъвони қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Олий суд судлов ҳайъатига тақдим қилинган "Ермулккадастр" давлат корхонаси Қ. шаҳар филиалининг хулосасида, даъвогарнинг ҳудудига жавобгарнинг ҳудудидан ташқари кўча томонидан бошқа йўллар мавжудлиги, ушбу йўлнинг энг тор жойи 5,49 метрни, энг кенг жойи эса, 8,06 метрни ташкил этиши аниқланган.

**6-2499-18-сонли иш**

**8. Мерос сифатидаги уй-жой бўйича фуқаронинг имтиёзли ҳуқуққа эга эканлиги эътиборга олинмаслиги суд қарорини бекор бўлишга асос бўлади.**

Шавкат Собиров жавобгар Каромат Собировага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда марҳум отасидан қолган Ш.шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 16-уй бўйича мерос тақсимланишида имтиёзли ҳуқуқи борлигини билдириб, мерос мулкни асл ҳолида ўзига қолдиришни, жавобгарнинг улушини пул шаклида ўзидан ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 27 сен-

тябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилган.

Унга кўра, мерос мулк бўлган Ш. шаҳри, Алишер Навоий кўчасидаги 16-уй тарафларга тенгликдан чекинган ҳолда даъвогар Ш.Собировга 2-қаватда жойлашган 1 ва 2-яшашхона, 1-қаватда жойлашган олд қисми акфа ромли 1 та яшаш хона, жавобгар К.Собировага 2-қаватда жойлашган 3-яшаш хо-



наси ва 1-қаватдаги безак берилмаган 1-омборхонанинг қисми бўлиб берилган.

Мерос мулк ҳисобланган уйнинг 2-қаватдаги ойнавандлик айвон ва чиқиш зинасининг юқори қисмидаги айвон ҳамда ҳовлидаги ҳожатхона, темир дарвоза ва дарчалар томонлар ўртасида умумий фойдаланишга қолдирилган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 20 ноябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 22 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра, Ш. шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 16-уй даъвогар Шавкат Собировга қолдирилган.

Даъвогар Шавкат Собировдан жавобгар Каромат Собирова фойдасига уй-жойнинг компенсацияси учун 23 625 213 сўм ундирилиши белгиланган.

Аниқланишича, 2018 йилда марҳум Толиб Собировга тегишли Ш.шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 16-уйнинг 1/6-қисмига К.Собирова, 5/6-қисмига Шавкат Собиров меросхўр эканлиги тасдиқланиб, тегишли гувоҳномалар берилган бўлса-да, тарафлар ўртасида мерос мулкни бўлишда келишмовчилик келиб чиққан.

Суд-қурилиш экспертиза хулосасида низоли уй-жойнинг умумий бозор баҳоси 141 751 278 сўм, уй-жойнинг 1/6 қисми 23 625 213 сўм, 5/6-қисми эса 118 126 065 сўмдан иборат эканлиги, уй-жой тарафларнинг улушлари бўйича бўлиш имконияти йўқлиги, тенгликдан чекинган ҳолда бўлиш имконияти мавжудлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида жавобгар К.Собирова ўз улушини компенсация сифатида олишга

розилик билдирмаган.

Биринчи инстанция суди жавобгар мерос мулкдаги улушини пул компенсация шаклида олишга рози бўлмаганлигини эътиборга олиб, низоли уй-жойни тарафлар ўртасида тенгликдан чекинган ҳолда тақсимлаб берган.

Ваҳоланки, даъвогар даъво талабида уй-жойни тақсимлаб беришни сўрамаган бўлса-да, биринчи инстанция суди амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 274-моддасига зид равишда даъво талабидан четга чиққан.

Бундан ташқари фуқаролик ишида мавжуд бўлган "Мевазор" маҳалла фуқаролар йиғинининг 2018 йил 18 майдаги 2241-сонли маълумотномасига кўра, Каромат Собирова Ш. тумани, М. қишлоғида яшаши кўрсатилган, шунингдек, тарафлар низолашаётган мерос мулк бўлган Ш. шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 16-уйдан ташқари, мазкур уйга чегарадош бўлган 16-а уй-жой К.Собировага тегишли бўлган.

Бироқ биринчи инстанция суди жавобгар К.Собирова мерос уйда яшамасдан келганлиги, мерос уйдан бошқа уйи мавжудлиги, мазкур уйга нисбатан тарафлар ўртасидаги улушларни тенг тақсимлаш имконияти мавжуд эмаслиги, мерос мулкдаги улуши анча кам эканлиги, даъвогарнинг эса, низоли уйда отаси вафотига қадар 3 йилдан ортиқ муддат давомида оила аъзолари билан яшаб келганлиги сабабли мерос таркибидаги уйни олишда амалдаги Фуқаролик кодексининг 1153-моддаси талаблари бўйича имтиёзли ҳуқуққа эга эканлигини эътиборга олмасдан, даъво талабидан четга чиққан ҳолда низоли уй-жойни тарафлар ўртасида тақсимлаб берган.

**6-535-19-сонли иш**

### **9. Ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига зарар етказганлиги ҳолати суд томонидан суғурта ҳодисаси деб топилиши мумкин эмас.**

Р.Машарипов жавобгар "Ўзагросуғурта" АЖ Ҳазорасп туман бўлинмасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Дамас" русумли автомашинасини ўғли А.Машарипов ишончномага асосан бошқариб, 2017 йил 31 декабрда йўл-транспорт ҳодисаси содир этганлиги натижа-

сида автомашинага моддий зарар етказилганлигини, жавобгар ташкилот мазкур ҳолат суғурта ҳодисаси ҳисобланмаслиги ва суғурта товони тўланмаслигини маълум қилганлигини, шу сабабли содир қилинган йўл-транспорт ҳодисасини суғурта ҳодисаси деб топишни ва жавобгардан ўз фой-

дасига 3 624 915 сўм суғурта товонини ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 25 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Унга кўра, А.Машарипов томонидан 2017 йил 31 декабрда содир қилинган йўл-транспорт ҳодисаси суғурта ҳодисаси деб топилган ва жавобгар "Ўзагросуғурта" АЖ Ҳазорасп туман бўлинмасидан Р.Машариповнинг фойдасига 3 624 915 сўм суғурта товони ҳамда тўланган давлат божи учун 86 120 сўм ундирилиши белгиланган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 8 ноябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 6 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар Р.Машариповга тегишли "Дамас" русумли автомашинаси "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича" суғурта полисига асосан 2017 йил 9 мартда "Ўзагросуғурта" АЖ Ҳазорасп туман бўлинмаси томонидан суғурталанган.

Мазкур суғурта полисида транспорт во-

ситасини бошқаришга қўйилган шахслар деб Р.Машарипов ва унинг ўғли А.Машарипов кўрсатилган.

Р.Машариповнинг ўғли А.Машарипов мазкур автомашинани ишончнома асосида бошқариб, 2017 йил 31 декабрда соат 21:00 ларда Боғот тумани ҳудудидан ўтган автомобиль йўлининг 43 километрида бошқарувни йўқотиши натижасида йўлнинг чап томонидаги бардюрга урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган, натижада автомашинага моддий зарар етказилган.

"Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига кўра, транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

Мазкур қонуннинг 8-моддасида ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига зарар етказганлиги оқибатида фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмаслиги белгиланганлигига судлар эътибор қаратмаган.

**6-423-19-сонли иш**

### **10. Тарафларнинг никоҳлари даврида уй-жойнинг кредити бўйича тўланган суммалардан эр(хотин) улушини талаб қилиш ҳуқуқига эга.**

Дилнура Қаландарова жавобгар Эркин Қосимовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, биргаликдаги никоҳлари давомида олинган уй-жойдаги улуши бўлган суммани ундириб беришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 24 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 14 июндаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра, даъвогар Дилнура Қаландарова фойдасига жавобгар Эркин Қосимовдан Ф. тумани, М. қўрғончасида жойлашган 91-уй-жойдаги улуш учун 34 113 174 сўм ундирилиши белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 27 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, кассация инстанцияси ажримининг улуш ажратишга оид қисмига ўзгартириш киритилган.

Аниқланишича, Дилнура Қаландарова ва Эркин Қосимовлар 2010 йил 13 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан бир нафар фарзандлари бор, суднинг 2017 йил 10 августдаги ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажрашишган.

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Х. минтақавий филиали ва жавобгар Эркин Қосимовлар ўртасида 2012 йил 24 июлдаги 218-сонли кредит шартномасига асосан Э.Қосимовга Ф. тумани, Ё. қишлоқ аҳоли пунктидан намунавий лойиҳа асосида уй-жой

қуриш учун 7 фоиз устама тўлаш шarti билан 15 йил муддатга 62 920 000 сўм имтиёзли кредит ажратилган.

Ғ. туман ҳокимининг 2013 йил 7 мартдаги Х-219/03-сонли қарорига асосан, мазкур уй-жойга Эркин Қосимовнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Кассация инстанцияси Оила кодексининг 23-моддасига ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, тарафлар никоҳлари даврида кредит ҳисобига уй-жой учун тўланган суммалар уларнинг умумий мулки ҳисобланишини, мазкур сумманинг тенг ярим қисмини Дилнура Қаландарова жавобгардан ундириш ҳуқуқига эга эканлигини эътиборга олиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида тўғри ва асосли хулосага келган бўлса-да, тарафларнинг никоҳлари даврида уй-жойнинг кредит қарзи учун 68 226 348 сўм тўланганлигини, шундан Д.Қаландаровага 34 113 174 сўм улуш ажратиш лозимлиги ҳақида нотўғри хулосага келган.

Чунки АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Х. вилоят филиалининг 2018 йил 14 июндаги хати нусхасида 2017 йил октябр ойига қадар Э.Қосимов кредитнинг асосий қисмидан 18 726 226 сўм, фоизидан 19 500 148 сўм тўлаганлиги кўрсатилган, бироқ мазкур хатда 62 226 348 сўм тўланганлиги кўрсатилмаган.

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Х. вилоят филиалининг 2019 йил 18 январдаги 02/

07-116/1-сонли хатига кўра, Э.Қосимовга Ғ. тумани, Ё. массивида 2012 йилда қурилган уй-жой учун кредит шартномасига асосан 62 920 000 сўм кредит ажратилганлиги, 2017 йил 31 август ҳолатига кўра, кредит қолдиғи 44 568 324 сўмни ташкил қилиши, фуқаро шу давр мобайнида кредит тўлови учун 38 292 872 сўм тўлаганлиги, ушбу сумманинг 18 974 294 сўми кредит юзасидан вужудга келган фоиз тўлови, 18 351 676 сўми эса асосий кредит тўлови эканлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари "Шўртангаз кимё мажмуаси" масъулияти чекланган жамиятининг 2019 йил 23 январдаги 0181/461-сонли маълумотномасида Э.Қосимовга ажратилган уй-жойнинг бошланғич ва якуний тўловидан бўлган 63 333 720 сўми жамият томонидан тўлаб берилганлиги, ушбу маблагдан Эркин Қосимов 2017 йил 30 августга қадар ойлик иш ҳақи ҳисобидан 4 227 247 сўмини тўлаганлиги, унинг тўлаб бериши керак бўлган қарздорлик суммаси 59 106 473 сўм эканлиги кўрсатилган.

Демак, Э.Қосимов 2017 йил 31 августга қадар кредит бўйича 38 292 872 сўм ҳамда уй-жойнинг бошланғич ва якуний тўловидан 4 227 247 сўм, жами 42 520 119 сўм тўлаганлиги эътиборга олинса, ҳар бир тарафнинг тўланган сумма бўйича улуши 21 260 059 сўмни ташкил қилиши суднинг эътиборидан четда қолган.

**6-534-19-сонли иш**

# МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

## I. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

**1. Суд Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлашда, ҳуқуқбузар билан жабрланувчи она-бола эканлиги, ҳуқуқбузар ёшга доир нафақадалиги, ойлик нафақасининг камлиги, унинг моддий ёрдамга муҳтожлиги ва у нафақа пулига яшаб келаётганлигини энгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасини қўллаши ва уни жазодан озод қилиши мумкин.**

Фуқаро И.С. 2017 йил 15 октябрь куни қизи М.С.га тўхмат қилган, яъни била туриб, ёлғон, унинг шахсини шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар И.С. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан айбдор деб топилди, унга нисбатан ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоридан — 449 325 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати туман маъмурий судининг қарори ва кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришни лозим топган.

Бунда судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, тушунтириш хатлари ва маъмурий ишда тўпланган бошқа ҳужжатларга асосланиб ҳуқуқбузарнинг

ҳаракатларини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан тўғри малакалаган бўлса-да, бироқ И.С.га нисбатан жазо тайинлашда ҳуқуқбузар билан жабрланувчи она-бола эканлиги, ҳуқуқбузар ёшга доир нафақадалиги, ойлик нафақаси миқдори 234 352 сўмлиги, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан унинг моддий ёрдамга муҳтожлиги ва у нафақа пулига яшаб келаётганлиги ҳақида маълумотноманинг мавжудлиги энгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобланса-да, судлар томонидан улар инobatга олинмаган ва унга нисбатан бирмунча оғир жазо тайинланган деган хулосага келган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати суд ҳужжатларини ўзгартириб, И.С.га нисбатан тайинланган 449 325 сўм жарима жазосини бекор қилишни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасига асосан, ҳуқуқбузарни жазодан озод қилишни ва иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

**2023-18-сонли иш**

**2. Ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлмаган ашё маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли сифатида мусодара қилиниши мумкин эмас.**

Фуқаро А.А. 2018 йил 18 август куни Марказий деҳқон бозори ҳудудида квас ичимлигини сотиш билан шуғулланаётганда солиқ органи ходимлари ундан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи ҳужжатларни тақдим этишни сўраган. Аммо фуқаро А.А. солиқ органи ходимларига бундай ҳужжатларни тақдим эта олмаганлиги учун ашёвий далил сифатида 1 дона квас ичимлигини сақлашга мўлжалланган бочка ва 9 900 сўм пул маблағи тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, олиб қўйилган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар А.А. Маъмурий жавобгарлик тўғ-

рисидаги кодекснинг 176-моддаси биринчи қисми билан айбдор деб топилди, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан — 861 200 сўм жарима солинган. Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган 1 дона 300 литр ҳажмдаги 800 000 сўмлик бочка ва 9 900 сўм пул маблағлари давлат фойдасига ўтказилиши белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Бироқ судлар иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган 1 дона 300 литр ҳажмдаги 800 000 сўмлик бочкани давлат фойдасига ўтказишда хатоликка йўл қўйган. Чунки

судлар давлат фойдасига ўтказилган бочка ҳуқуқбузар А.А.га эмас, балки "Д" масъулияти чекланган жамиятига тегишли эканлиги, А.А.га бочка масъулияти чекланган жамияти билан 2018 йил 16 августда тузилган ижара шартномасига асосан берилганлиги эътибор қаратилмаган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддаси биринчи қисмига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиш мазкур ашёни ҳақ тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, ушбу

чора туман (шаҳар) маъмурий суди томонидан қўлланилади. Ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлмаган ашё мусодара қилиниши мумкин эмас, муомаладан чиқарилган ашёлар бундан мустасно.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд қарорларининг ашёвий далил сифатида олинган 1 дона 300 литр ҳажмдаги 800 000 сўмлик бочкани давлат фойдасига ўтказиш қисмини ўзгартиришни ва ҳуқуқбузар А.А.дан ашёвий далил сифатида олиниб, давлат фойдасига ўтказилган бочкани "Д" масъулияти чекланган жамиятига қайтаришни лозим топган.

**1993-18-сонли иш**

**3. Агар ички ишлар органи ҳуқуқбузарга нисбатан қўзғатилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича тегишли қарор қабул қилмасдан, уни кўриб чиқиш учун судга юборган бўлса, суд Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 303<sup>1</sup>-моддасига асосан, маъмурий ишни ички ишлар органига қайтаради.**

Фуқаро Р.Р. 2018 йил 18 апрелда соат 11:50 ларда ўзининг бошқарувидаги "Ласетти" русумли давлат рақами 01 W 222 AA бўлган автомашинада Алишер Навоий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётган вақтда ЙХХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, унга нисбатан транспорт воситасини бошқариш жараёнида уяли алоқа воситасидан фойдаланганлиги маълум қилиниб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар Р.Р. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида — 344 480 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман маъмурий судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Бироқ судлар суриштирув органи томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги ҳақидаги баённомада Р.Р. 2018 йил 18 апрелда соат 11:50 ларда ўзининг бошқарувидаги "Ласетти" русумли давлат рақами 01 W 222 AA бўлган автомашинада Алишер Навоий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётган вақтда уяли алоқа воситасидан фой-

даланганлиги кўрсатилган бўлса, ишда мавжуд бўлган Р.Р.нинг ҳуқуқбузарлигини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги маълумотномада эса, Р.Р. 2018 йил 18 апрелда соат 11:15 ларда "Спарк" русумли, давлат рақами 01 F 333 AA автомашинада ҳуқуқбузарлик содир этганлиги қайд этилган.

Аммо туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси суди томонидан ҳуқуқбузарлик айнан қайси автомашинани бошқариш вақтида содир этилганлиги аниқланмасдан қарор қабул қилинган.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддаси биринчи қисмида ушбу кодекснинг 128<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ички ишлар органларига тааллуқлилиги кўрсатилган бўлса-да, шаҳар ИИББ ЙХХБ ҳуқуқбузар Р.Р.га нисбатан қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қонунда белгиланган тартибда қарор қабул қилмасдан, Р.Р. ҳуқуқбузарлик фактини инкор этганлигини асос қилиб, ишни судга юборган.

Шу сабабли судлов ҳайъати юқоридаги ҳолатларга ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 303<sup>1</sup>-моддасига асосланиб, суд қарорларини бекор қилиб, маъмурий иш материалларини шаҳар ИИББ ЙХХБга қайтаришни лозим топган.

**7-26-19-сонли иш**

**4. Ҳайдовчи транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўзда тутилган миқдордан ортиқча одам ташигани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилади. Агар ушбу шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддасида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни бир йил давомида бир неча марта (тўрт мартадан ортиқ) такроран (систематик равишда) содир этса, унга нисбатан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ой муддатга маҳрум этиш жазосини тайинлашга сабаб бўлиши мумкин.**

Фуқаро М.М. 2018 йил 14 октябрь куни соат 11:52 ларда Алишер Навоий кўчасида, 2018 йил 16 октябрь куни соат 10:35 ларда Мустақиллик кўчасида ўзининг бошқарувидаги "Дамас" русумли, давлат рақами 01 М 111 АА бўлган автотранспорт воситасининг саломида ортиқча одам билан ҳаракатланган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар М.М. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилган ва унга нисбатан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ой муддатга маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман маъмурий судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 159-банди олтинчи хатбошисига кўра, 12 ёшга тўлмаган болаларни ҳисобга олмаганда, одам сони транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўзда тутилган миқдордан ортиқ бўлганда, одамларни ташиш тақиқланади.

"Дамас" русумли автотранспорт воситасининг техник тавсифномасига кўра, тўлиқ вазни 1330-1416 кг бўлиб, унинг саломида 3 қаторда жойлашган 8 (2+3+3) та ўриндиқ мавжуд. Шундан 1 та ўриндиқ ҳайдовчи, 7 та ўриндиқ эса, одамлар ўтириши учун мўлжал-

ланган. Шундай экан, "Дамас" русумли автотранспорт воситасининг саломида ортиқча одамнинг борлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 159-банди олтинчи хатбошиси талабларини бузиш деб баҳоланади ва қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳуқуқбузар М.М. томонидан 2018 йилда Йўл ҳаракати қоидалари систематик равишда бузилган. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги ахборот марказининг 2018 йил 18 декабрдаги маълумотномасига кўра, М.М. томонидан 2018 йилда 21 марта (шундан 6 таси йўл ҳаракатининг айнан одам ташиш билан боғлиқ қоидалари талабини бузиш билан боғлиқ) ҳуқуқбузарлик содир этилган ва у маъмурий жавобгарликка тортилиб, унга нисбатан жарима жазоси тайинланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 32-моддаси 2-бандига мувофиқ маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Шу сабабли судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси судининг қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

**7-139-18-сонли иш**

**5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган моддий зарар суғурта ташкилоти томонидан жабрланувчига тўлиқ тўлаб берилган ҳолларда, суд ҳуқуқбузардан жабрланувчи фойдасига такроран моддий зарарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилмайди.**

Фуқаро К.К. 2018 йил 14 март куни тахминан соат 21:40 ларда Бобур кўчасида спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда отаси Н.Н.га тегишли "Ласетти" русумли давлат рақами 20 С 222 DA бўлган автомашинани бошқариб, Йўл ҳаракати қоидаларининг 12 ва 53-бандлари талабларига риоя қилмасдан, фуқаро Р.Р. бошқарувидаги "Дамас" русумли давлат рақами 20 М 333 АА бўлган автомашина билан тўқнашув содир этган.

Туман маъмурий судининг қарори билан ҳуқуқбузар М.М. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси биринчи қисмида ва 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган деб топилди, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 34-моддаси қўлланилиб, тайинланган жазоларни енгилини оғирроғи билан қоплаш йўли орқали узил-кесил унга нисбатан бир йил муддатга транспорт воси-

тасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган. М.М.дан жабрланувчи Р.Р. фойдасига 1 600 500 сўм моддий зарар ундирилиши белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан туман маъмурий судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати туман маъмурий судида иш кўрилатган вақтда суғурта компанияси томонидан жабрланувчи Р.Р.га 1 600 500 сўм етказилган моддий зарар тўлаб берилган бўлса-да, биринчи ва кассация инстанцияси судлари бу ҳолатга эътибор бермасдан, ҳуқуқбузар М.М.дан жабрланувчи Р.Р. фойдасига такроран 1 600 500 сўм моддий зарар ундириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси суди қарорларини ўзгартириб, ҳуқуқбузар М.М.дан жабрланувчи Р.Р. фойдасига 1 600 500 сўм моддий зарар ундириш қисмини бекор қилишни ва ҳуқуқбузар томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси биринчи қисмида ва 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги иш ҳужжатлари билан ўз исботини топганлиги ҳамда судлар ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларини тўғри малакалаганлиги учун суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

**7-44-19-сонли иш**

## **II. МАЪМУРИЙ ВА БОШҚА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА СУД**

### **6. Болани тўлиқ бўлмаган оилада, якка ўзи тарбиялаётган она ишсиз бўлса ва бошқа даромад манбаи бўлмаса, махсус комиссия оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини текшириб, унинг яшаш шароитини нормал ҳолатда деб баҳолаганлиги унга бола парвариши бўйича нафақани тайинламасликка асос бўлмайди.**

"К" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Г.Г. бошчилигидаги нафақа тайинлаш комиссиясининг 2017 йил 15 апрелдаги 5-сонли қарори билан яшаш шароити юқори деган асос бўйича фуқаро Д.Д.га 2017 йил 2 январда тутилган боласи А.А. икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш рад этилган ва бу ҳақда 2017 йил 26 апрелдаги 55-сонли хат орқали унга хабар берилган.

Бундан норози бўлган Д.Д. судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар "К" маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг Д.Д.га болага икки ёшгача нафақа тайинлаш ҳақидаги талабни рад этишда ифодаланган хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни, унинг зиммасига нафақа тайинлаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Шаҳар маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандида бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ҳар бир оила

аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланиши назарда тутилган.

Мазкур Низомнинг 17-бандида агар оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдори ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган миқдордан кам бўлса, махсус комиссия оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини текшириш ҳуқуқи кўрсатилган бўлса-да, Д.Д.нинг болани тўлиқ бўлмаган оилада якка ўзи тарбиялаётганлигига, ишсиз эканлигига ва даромади йўқлигига, ушбу Низомнинг 9-бандига асосан, бундай ҳолатда унинг бола парвариши бўйича нафақа олишда устунлик ҳуқуқига эгалигига судлар томонидан эътибор берилмаган.

Бундан ташқари "К" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўзи томонидан берилган 2017 йил 15 ноябрдаги 555-сонли маълумотномада Д.Д. ҳақиқатан ҳам, ҳеч қаерда ишламаслиги ва меҳнат дафтарчасига ҳам эга эмаслиги кўрсатилган.

Ушбу Низомда болани тўлиқ бўлмаган оилада якка ўзи тарбиялаётган она ишсиз бўлганида ва даромади йўқлигида махсус комиссия оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини текшириши лозимлиги ҳамда яшаш шароити юқори бўлганда, нафақа тайинлаш

ни рад этиши белгиланмаган.

Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, "К" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ҳаракатларини

**7. Номидаги уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш сўралган шахсга уй-жой жойлашган ер участкаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ажратилмаганлиги уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни рад этишга асос бўлиши мумкин.**

"Р" район, "А" қишлоқ советининг 1978 йил 14 июлдаги 26-сонли баёнига асосан марҳум А.Л.га 1215,15 кв.метр турар жой қуриш учун ер ажратилган. А.Л. томонидан "Р" тумани, "А" маҳалла фуқаролар йиғини, Гулистон кўчаси, 15-уй манзилида уй-жой қурилган. Бироқ мазкур уй-жойга нисбатан А.Л.га эгалик ҳуқуқи белгиланмаганлиги учун марҳум А.Л.нинг қизи Л.Л. туман ҳокимлигига мурожаат қилиб, марҳум А.Л.га уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраган. Туман ҳокимлиги томонидан 2017 йил 12 ноябрдаги 111-сонли хат билан А.Л.нинг аризаси рад қилинган.

Шу сабабли А.Л. маъмурий судга мурожаат қилиб, туман ҳокимлиги зиммасига "Р" тумани, "А" маҳалла фуқаролар йиғини, Гулистон кўчаси, 15-уй-жойга марҳум А.Л.нинг эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туман маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан туман ҳокимлигининг 2017 йил 12 ноябрдаги 111-сонли хати ғайриқонуний деб топилган, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия зиммасига "Р" тумани, "А" маҳалла фуқаролар йиғини, Гулистон кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган умумий ер майдони 1215,15 кв.метрдан иборат турар жойга марҳум А.Л. номига эгалик ҳуқуқи белгилаш масаласини кўриб чиқиш мажбурияти юклатил-

қонунга хилоф деб топишни ва унинг зиммасига фуқаро Д.Д.га болани парвариши учун нафақа тайинлаш мажбуриятини юклашни лозим топган.

**7-167-19-сонли иш**

ган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, туман ҳокимлиги зиммасига "Р" тумани, "А" маҳалла фуқаролар йиғини, Гулистон кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган умумий ер майдони 1215,15 кв.метрдан иборат уй-жойга марҳум А.Л. номига эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбурияти юклатилган.

Судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, Л.Л.нинг аризасини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

Бунда судлов ҳайъати биринчи инстанция суди "Р" район, "А" қишлоқ советининг 1978 йил 14 июлдаги 26-сонли баёнига асосан марҳум А.Л.га "Р" тумани, "А" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 1215,15 кв.метр уй-жой қуриш учун тегишли тартибда ер майдони ажратилмаган бўлса-да, ер майдони ажратиб берилганлиги тўғрисида нотўғри хулосага келганлигига асосланган. Ваҳоланки, "Р" район, "А" қишлоқ советининг 1978 йил 14 июлдаги 26-сонли баёнидан олинган кўчирмага кўра, А.Л.га "Р" тумани, "А" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан уй-жой қуриш учун 1215,15 кв.метр ер участкаси ажратилмаган. Ушбу ҳолат туман давлат архивининг 2014 йил 15 декабрдаги 222-сонли, 2016 йил 15 августдаги 01-01/01-сонли хатлари билан ҳам тасдиқланган.

**7-129-19-сонли иш**

**8. Ҳуқуқий ворисларга ер майдонини мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун ажратиб бериш ва уй-жой биносига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги туман ҳокимининг қарори қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинганда, меросхўрлардан бирининг аризасига асосан, суд кейинчалик туман ҳокимининг қарорини ушбу уй-жойга аризачи ўн беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилганлиги сабабли Фуқаролик кодексининг 187-моддаси биринчи қисмини асос қилиб, ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин эмас.**

Фуқаро А.А. 2016 йил 18 мартда туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиб, "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғини, Олмазор қишлоғида жойлашган марҳум отаси Б.Б.га тегишли бўлган уй-жойга нисбатан

эгалик ҳуқуқини белгилаб, уй-жой жойлашган ер майдонини бириктириб беришни сўраган. Ушбу ариза туман ҳудудида жойлашган кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш, эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш бўйича



ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб, 2018 йил 11 апрелда далолатнома расмийлаштирилган. Унда марҳум Б.Б.га "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғини, Олмазор қишлоғида жойлашган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш ва уй-жой жойлашган ер майдонини унга бириктириб бериш тавсия этилган.

Ушбу далолатнома туман ҳокимининг 2016 йил 25 апрелдаги 222-сонли қарори билан тасдиқланиб, марҳум Б.Б.га умумий ер майдони 2095,0 кв.метр ер майдонини ҳуқуқий ворисларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун ажратиб берилиб, уй-жой биносига нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланганидан кейин марҳум Б.Б.нинг меросхўрлари ўртасида уй-жойга нисбатан низо келиб чиққан.

Шу сабабли аризачи А.А. судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2016 йил 25 апрелдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туман маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2016 йил 25 апрелдаги 222-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

**9. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг бекор қилинган қарори маъмурий суднинг суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилишга ва уни қайта кўришга асос бўлиб ҳисобланмайди.**

Фуқаро А.А. маъмурий судга мурожаат қилиб, туман ҳокимлиги зиммасига Фурқат кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган 2004 йилда қурилган 5 хонадан иборат уй-жойга нисбатан А.А.нинг эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисида қарор чиқариб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туман маъмурий судининг 2017 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 26 сентябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Фуқаролар Б.Б. ва Д.Д. янги очилган ҳолат бўйича ишни қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган.

Туман маъмурий судининг 2018 йил 16 августдаги ажрими билан фуқаролар Б.Б. ва

Аммо биринчи ва кассация инстанцияси судлари моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган. Яъни судлар туман ҳокимининг 2016 йил 25 апрелдаги 222-сонли қарори қайси қонун ҳужжатларига зид эканлигини ўз қарорларида асослантирмаган. Балки марҳум Б.Б.нинг фарзанди аризачи А.А. 2002 йилдан буён ушбу уйда яшаб, уй-жойнинг солиқларини тўлаб келаётганлигига, ушбу уй-жойга аризачи ўн беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилганлиги сабабли Фуқаролик кодексининг 187-моддаси биринчи қисмини асос қилиб, қарорни ҳақиқий эмас, деб топган. Ваҳоланки, туман ҳокимининг қарори Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари асосида чиқарилган ва уни аризачи томонидан келтирилган ваҳоланки асосида ҳақиқий эмас, деб топиш учун асослар мавжуд эмас.

Шу сабабли судлов ҳайъати туман маъмурий суди ва кассация инстанцияси судининг қарорларини бекор қилиб, туман ҳокимининг 2016 йил 25 апрелдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

**7-2-19-сонли иш**

Д.Д.нинг аризаси қаноатлантирилиб, туман маъмурий судининг 2017 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарори бекор қилинган ва туман маъмурий судининг 2018 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан А.А.нинг аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 22 ноябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати туман маъмурий судининг 2018 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 22 ноябрдаги қарорини бекор қилиб, туман маъмурий судининг 2017 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

Бунда судлов ҳайъати туман маъмурий

суди 2018 йил 16 августдаги ажримни чиқаришда, яъни туман маъмурий судининг 2017 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилишда янги очилган ҳолат сифатида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг туман ҳокимлигининг А.А.га нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини қайтариш ва ер майдонида қурилган қурилмани бузиш ҳақидаги даъвосини қаноатлантириш тўғрисида 2017 йил 12 мартдаги ҳал қилув қарорига асосланган. Аммо биринчи инстанция суди фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ушбу ҳал қилув қаро-

ри фуқаролик ишлари бўйича судининг 2017 йил 30 августдаги қарори билан бекор қилинганлигига эътибор бермаган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 269-моддасида қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари келтирилган бўлиб, уларни кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди. Ваҳоланки, туман маъмурий судининг 2018 йил 16 августдаги ажримида келтирилган асос ушбу кодекснинг 269-моддасида келтирилган асосларга мувофиқ келмайди.

**7-137-19-сонли иш**

**10. Ҳақиқий ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий равишда (контракт асосида) ҳарбий хизматга келган ва календарь бўйича 10 йил хизмат қилган офицерлар хизматдан бўшатилаётганида, олий ўқув юртарининг кундузги бўлимида ўқиган даврининг бир ойи — бир ойлик хизмат ҳисобида, шунингдек, ҳарбий хизматга чиқарилаётган вақтдаги ихтисосликка мувофиқ келадиган лавозимлардаги бир ойлик иш стажи бир ойлик хизмат ҳисобида уларни ҳақиқий хизмат ўтаган муддатига киритилади.**

Фуқаро Г.Г. 1992 йил 30 августдан 1994 йил 5 июлга қадар Тошкент юридик коллежида ўқиган. 1994 йил 18 октябрдан 1999 йил 22 апрелга қадар ҳарбий судда турли лавозимларда ишлаган. 1999 йил 22 апрелдан шартнома асосида ҳарбий хизматга қабул қилинган.

Мудофаа вазирлигининг 2003 йил 6 январдаги 45-сонли буйруғи билан Г.Г.га адлия лейтенанти мақоми берилиб, у офицерлар таркибига киритилган.

Мудофаа вазирлигининг 2017 йил 6 майдаги 0262-сонли буйруғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг 2017 йил 31 майдаги 111-сонли буйруғи билан Г.Г. ҳарбий хизматдан захирага бўшатирилган. Мудофаа вазирлигининг Махсус комиссияси томонидан Г.Г. ўрта-махсус ўқув юртида ўқиган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаган даврлари унинг ҳарбий хизматни ўтаган муддатига қўшиб ҳисобланмаган.

Шу сабабдан Г.Г. жавобгар Мудофаа вазирлиги махсус комиссияси аъзоларининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиб, жавобгар зиммасига ҳарбий хизмат даврига унинг ўрта-махсус ўқув юртида ўқиган даврини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаган даврларини унинг иш стажига қўшиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Шаҳар маъмурий судининг ҳал қилув қарори

билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Биринчи Президентимизнинг 2006 йил 14 январдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида" - ги Низомнинг 19-бандида ҳақиқий ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий равишда (контракт асосида) ҳарбий хизматга келган ва календарь бўйича 10 йил хизмат қилган офицерлар хизматдан бўшатилаётганида, олий ўқув юртарининг кундузги бўлимида ўқиган даврининг бир ойи — бир ойлик хизмат ҳисобида, шунингдек, ҳарбий хизматга чиқарилаётган вақтдаги ихтисосликка мувофиқ келадиган лавозимлардаги бир ойлик иш стажи бир ойлик хизмат ҳисобида уларни ҳақиқий хизмат ўтаган муддатига киритилиши белгиланган.

Аммо Г.Г. юқоридаги Низомда кўрсатилганидек, олий ўқув юрти эмас, балки коллежни, яъни ўрта-махсус ўқув юрти таъмомлаган. Бундан ташқари у ҳарбий хизматга шартнома асосида кирган вақтда офицер унвонига ҳам эга бўлмаган.

Шу сабабларга кўра, судлов ҳайъати шаҳар маъмурий суди ва апелляция инстанцияси суди қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

**7-120-19-сонли иш**

## 1. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

**1. Даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти, бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган бўлса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилишига асос бўлади.**

**Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса, ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.**

Тумани ҳокимлигининг "У" фермер хўжалиги билан тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ва ажратилган ер майдонларини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан процессуал ҳуқуқ нормасининг бузилганлигига асосан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабларини қаноатлантириш, тарафлар ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ва ажратилган ер майдонларини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, туман ҳокимининг қарори билан фермер хўжалиги ташкил этилиши бўйича ўтказилган танловда ғолиб бўлган фуқарога пахта-ғаллачилик йўналишида ер майдонлари ажратиб берилган.

Вилоят ҳокимининг қарори билан туман ҳокимлиги захира ерларида фермер хўжалиги ташкил этиш учун танловда иштирок этиб ғолиб бўлган фуқароларга ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги туман ҳокимининг мазкур қарори тасдиқланган.

Даъво аризасида қайд этилишича, "У" фермер хўжалиги ўзига ижарага ажратиб берилган ер майдонларига ҳеч қандай асос ва сабабсиз режага нисбатан кам майдонга ғалла экиб, ғалла етказиб бериш бўйича контракция шартномасини бажармаган. Фермер хўжалиги ер майдонига режалаштирилмаган сабзавот экинлари ва

терақ экиб, терақзор барпо қилган ҳамда фуқароларга қонунга хилоф равишда сабзавот-полиэ экинларини экиб олиш учун ижарага берган ва фуқаро фермер хўжалигига ижара ҳуқуқи асосида берилган ер майдонини эгаллаб олиб, уй-жой қуриб олганлигига ҳеч қандай эътироз билдирмаган.

Туман ҳокимлиги низони судгача ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида талабномани расмийлаштирганлиги, уни фермер хўжалигининг бошлиғига шахсан топшириш натижа бермагани, фермер хўжалиги бошлиғи талабномани олишдан бош тортганлиги далолатномада қайд этилган.

Туман ҳокимлиги фермер хўжалиги ер ижараси шартномаси шартларини қўпол равишда бузганлигига асосан, судга мурожаат қилиб, фермер хўжалиги билан тузилган ер ижараси шартномасини суд тартибида бекор қилишни сўраган.

Судлар томонидан ишни кўришда туман ҳокимлиги фермер хўжалиги билан юзага келган низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлиги ҳолати ўрганилмасдан, даъвони қаноатлантириш тўғрисида барвақт хулосага келган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида"ги Низомда фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми бузилишининг, шунингдек, хўжалик фаолияти самарасиз юритилишининг аниқланган ҳолатлари асосида фермер хўжалиги ер участкаси майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби белгиланган.

Низомнинг 14 ва 16-бандларига кўра, фермер хўжалиги томонидан ер майдонини ижарага олиш шартномаси шартларининг қўпол равишда бузилганлиги, энг аввало, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги, фермер хўжалигини шакллантириш чоғида фермер хўжалиги ихтисослашувининг бузилганлиги, ижарага берилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан оқилона фойдаланмаслик, мунтазам (кетма-кет уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олинганлиги, фермер хўжалиги билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида, энг аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган контракция шартномалари шартларининг мунтазам (кетма-кет уч йил мобайнида) бажарилмаганлиги (форс-мажор ҳолатларининг вужудга келиши ҳолатлари бундан мустасно), хўжалик фаолиятининг самарасиз ва паст рентабеллик билан юритилиши аниқланганда — қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, ер ресурслари ва давлат кадастри органлари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, шунингдек, тайёрлов ташкилотлари томонидан аниқланган ҳолатлар юзасидан далолатнома тузилиши, далолатномага кўрсатиб ўтилган органлар (ташкилотлар) вакиллари ва фермер хўжалиги раҳбари томонидан имзоланиши, фермер хўжалиги раҳбари далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, далолатномада бу тўғрида ёзув қайд қилиниши, у туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ҳамда икки нафар жисмоний шахс томонидан тасдиқланиши, далолатнома икки нусхада тузилиши, улардан бири фермер хўжалиги раҳбарига топширилиши белгиланган.

Шунингдек, Низомда далолатнома асосида ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкилотлар) бир кун мобайнида тегишли тақдимномани далолатнома, шунингдек, зарур ҳужжатлар ва материаллар билан бирга туман (шаҳар) ҳокимига юбориши, туман (шаҳар) ҳокими уч кун муддатда барча ҳужжатлар ва материалларни туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига

юбориши, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши икки кун мобайнида ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиши ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса чиқариши, ушбу хулоса ҳужжатлар ва материаллар билан биргаликда тегишли хулосани олиш учун Комиссияга юборилиши, далолатномада кўрсатилган ҳолатлар тасдиғини топган тақдирда, Комиссия бир ҳафта муддатда тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларни таҳлил қилиш асосида ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш тўғрисида ёхуд унинг майдонини мақбуллаштириш тўғрисида хулоса тайёрлаши, ушбу хулоса барча ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқиш учун халқ депутатлари туман Кенгашига юборилиши, халқ депутатлари туман Кенгаши энг яқиндаги сессияда Комиссия томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши, ушбу қарор Комиссия томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда туман (шаҳар) ҳокимига юборилиши, туман (шаҳар) ҳокими халқ депутатлари туман Кенгашининг ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорини, Комиссиянинг хулосасини, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини, далолатномани ва бошқа зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги раҳбари билан ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд унинг ер участкаси майдонини мақбуллаштириш тўғрисида фермер хўжалиги раҳбарига таклиф киритиши белгиланган.

Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги таклиф фермер хўжалиги раҳбари томонидан рад этилганда ёки Фуқаролик кодексининг 384-моддасида белгиланган муддатда жавоб олинмаганда туман (шаҳар) ҳокими, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорини, Комиссиянинг хулосасини, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини далолатномани ва бошқа зарур

ҳужжатлар ва материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги билан ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш юзасидан иқтисодий судга даъво аризасини юбориши кўрсатилган.

Бироқ аниқланган ҳолатлар бўйича белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилмаган, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори олинмаган, туман ҳокимлиги томонидан фермер хўжалиги раҳбари билан ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд унинг ер участкаси майдонини мақбуллаштириш тўғрисида фермер хўжалиги раҳбарига таклиф киритилмаган.

Туман ҳокимлиги томонидан судга тақдим этилган фермер хўжалигига оид халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори туман маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас, деб топилган. Ушбу ҳал қилув қарори апелляция инстанцияси судининг қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган.

Бу эса, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмаслигини билдиради. Бу ҳол туман ҳокимлиги томонидан судга даъво тақдим этишда Низомда белгиланган, амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни амалга оширмаганлигидан далолат беради.

Фуқаролик кодексининг 384-моддасига мувофиқ шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса, ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Тарафлар ўртасидаги шартноманинг 18-бандида томонлардан бири шартнома шартларини бажармаганда ёки қонун ҳужжатларини мунтазам равишда бузганда иккинчи томон ушбу шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлиги, 20-бандида эса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш

мўлжали тўғрисида иккинчи томонни шартнома бекор қилиниши сабабларини асослаган ҳолда мўлжалланаётган бекор қилиш санасидан уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилиши кўрсатилган.

Туман ҳокимлиги вакиллари ва ҚФЙ вакиллари томонидан имзоланган далолатномада ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабномани фермер хўжалиги раҳбари олишдан бош тортганлиги акс эттирилган бўлса-да, ушбу талабнома фермер хўжалигига почта ёки бошқа алоқа воситалари орқали юборилмаган. Қолаверса, ушбу талабнома ва фермер хўжалиги талабномани олишдан бош тортганлиги ҳақидаги далолатнома Низом талабларига жавоб бермайди.

Бундан ташқари ушбу талабнома халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори қабул қилинганидан кейин юборилиши лозим бўлган. Лекин фермер хўжалиги бошлиғининг талабномани олишдан бош тортганлиги ҳақидаги далолатнома маъмурий суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилган халқ депутатлари туман Кенгашининг қароридан олдин тузилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси 5-бандига асосан даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти, бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган бўлса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилишига асос бўлади.

Даъвогар туман ҳокими низони судгача ҳал қилиш бўйича чоралар кўрмаган ҳолда шартномани бекор қилиш талаби билан судга мурожаат қилган. Судлар ишни кўришда иш ҳужжатларини тўлиқ ўрганмаган, далилларга баҳо бермаган, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган ҳолда қарор қабул қилган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиш, даъвонинг ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш талабини кўрмасдан қолдириш, фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш қисмини эса, қаноатлантирмадан қолдириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

**4-2003-1801/1864-сонли иш**

**2. Ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас. Эксперт хулосаси суд мажлисида текширилади ҳамда бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.**

"Т" масъулияти чекланган жамиятининг акциядорлик тижорат банкидан (бундан кейинги ўринларда — банк) 76 106 494 сўм ундирилган маблағни ҳамда унга ҳисобланган 76 106 494 сўм фоизларни, жами 152 212 988 сўмни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, банкдан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 50 832 123 сўм ортиқча ундирилган маблағ, 7 116 498 сўм банк фоизи ундирилган ва даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган. Шунингдек, банк филиалига нисбатан хусусий ажрим чиқарилиб, кўриб чиқиш учун Марказий банкка юборилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ва хусусий ажрим ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, масъулияти чекланган жамияти ва банк филиали ўртасида тузилган кредит шартномасига асосан банк филиали масъулияти чекланган жамиятига қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш биносини қуриб битказиш ва қандолатчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида технологик ускуналарни сотиб олиш учун икки йил муддатга, йиллик 14 фоиз устама тўлаш шарти билан 180 000 000 сўм кредит ажратишга, масъулияти чекланган жамияти эса, ажратилган кредитни белгиланган мақсадларга ишлатиш, график асосида кредит ва фоизларини тўлаш мажбуриятини олган. Банк филиали томонидан мажбурият бажарилиб, масъулияти чекланган жамиятига кредит ажратилган.

Масъулияти чекланган жамияти графикда белгиланган муддатларда кредит ва фоизларини қайтармаганлиги сабабли банк филиали судга мурожаат қилиб, кредит шартномасини бекор қилиш ва ажратилган 180 000 000 сўм кредитни, 15 757 045 сўм фоизини ундиришни, ундирувни гаров мулкига қаратишни сўраган.

Вилоят иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилган.

Масъулияти чекланган жамияти судга

даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кредит шартномаси бошқа иш бўйича суд томонидан бекор қилинганлигига қарамасдан банк филиали жамиятга фоизлар ҳисоблаб, мемориал ордерлар орқали жами 76 106 494 сўмни ундириб олганлиги, асоссиз ундирилган 76 106 494 сўмни ҳамда ўзганинг пул маблағидан асоссиз фойдаланганлиги учун ҳисобланган 76 106 494 сўм фоизлар, жами 152 212 988 сўмни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъво қисман қаноатлантирилган, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Судларнинг бундай хулосага келишига эксперт хулосаси асос бўлган.

Унда кредит шартномаси суд томонидан бекор қилинганидан сўнг банк филиали томонидан кредит фоизи учун жами 50 832 122,92 сўм асоссиз ундирилганлиги аниқлангани қайд этилган.

Тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномасининг 2.2-бандида кредит бўйича қарздорлик жадвал бўйича муддати ўтган қарздорликка ўтказилганидан сўнг мижознинг (МЧЖ) махсус ҳисоб рақамига тушган нақд пул маблағи ҳисобидан ва келиб тушган пул маблағи ҳисобидан кредитнинг асосий суммаси ва фоиз қарздорлиги мижознинг розилигисиз унинг депозит ҳисоб рақамидан мемориал ордер билан чегириб олиниши амалга оширилиши тўғрисида келишувга эришилган.

Фуқаролик кодексининг 385-моддаси иккинчи қисмига кўра, шартнома бекор қилинганида тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли қарори 22-банди иккинчи хатбошисида тушунтирилишича, шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган тақдирда, агар келишувдан ёки шартномани ўзгартириш хусусиятидан бошқача тартиб англашилмаса, тарафлар

шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга келишган пайтдан бошлаб, шартнома суд тартибида ўзгартирилган ёки бекор қилинганда эса, суднинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб мажбуриятлар ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

Тарафлар ўртасидаги шартнома суд тартибида ҳал қилув қарори асосида бекор қилинган ва ушбу ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган. Шунга кўра, масъулияти чекланган жамияти ва банк филиали ўртасида тузилган шартнома бекор қилинган ҳисобланади ва шу кунга қадар шартнома шартлари амалда бўлган.

Иш бўйича эксперт хулосасида банк филиали томонидан масъулияти чекланган жамиятининг ҳисоб рақамидан мемориал ордер орқали пул маблағлари асоссиз олиб кўйилганлиги тўғри қайд этилган бўлса-да, эксперт томонидан хулоса тайёрлашда шартнома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бекор бўлган деб ҳисобланган ва асоссиз олинган пул маблағи 50 832 122,92 сўмни ташкил этиши тўғрисида нотўғри хулосага келган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 74-моддаси тўртинчи қисмига кўра, ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас.

Ушбу кодекснинг 86-моддаси биринчи қисмига кўра, эксперт ёки экспертлар комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд экспертлар комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланган хулоса тузади, бешинчи қисмига кўра, текшириш тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари экспертисани тайинлаган судга юборилади, олтинчи қисмига кўра, хулоса суд мажлисида текширилади ҳамда бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

Иш бўйича эксперт хулосаси бошқа далиллар билан бирга ўрганилганда суд қарори қонуний кучга кирганидан кейин масъулияти чекланган жамиятининг ҳисоб рақамидан унинг розилигисиз жами 32 112 154,22 сўм пул маблағи ундириб олинган. Эксперт хулосасидаги нотўғри равишда ундириб олинганлиги кўрсатилган 18 719 968,70 сўм қисми ҳал қилув қаро-

ри қонуний кучга киргунга қадар, яъни тарафлар ўртасидаги шартнома бекор қилинмасдан олинган бўлиб, суд қарорларининг 18 719 968,70 сўм ундириш қисми асоссиздир.

Шунингдек, биринчи инстанция суди суд харажатларини ундиришда ҳам хатоликка йўл қўйган. Жумладан, масъулияти чекланган жамияти кичик тадбиркорлик субъекти эканлигини тасдиқловчи маълумотнома асосида давлат божининг 50 фоизи миқдорида 762 000 сўм давлат божини ихтиёрий равишда тўлаган, суд томонидан даъво қисман қаноатлантирилган бўлса-да, банкдан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 579 487 сўм давлат божи ундирилган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарори 26-банди учинчи хатбошисида тушунтирилишича, агар иқтисодий судга мурожаат қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўланган бўлиб, даъво талаблари қаноатлантирилганда ишни кўриш натижаси бўйича жавобгардан ундириладиган давлат божининг миқдори даъвогар томонидан тўлаб чиқилган сумма билан чегараланади. Даъво рад этилган тақдирда, давлат божи даъвогардан қўшимча равишда ундирилмайди.

Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорида мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати суд қарорларини ўзгартириш, суд харажатларини давронинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда тарафлар ўртасида тақсимлаш, суд қарорларининг банкдан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 50 832 122,92 сўм ундириш қисмини 32 112 154,22 сўмга, давлат божи ундириш қисмини мутаносиб равишда ўзгартириш, суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

**4-2201-1801/1410-сонли иш**

## II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ

**1. Шартномада назарда тутилган ва қонун (алоҳида қарор) билан белгиланган тўловни кунлик тарзда тўлаш жавобгарнинг мажбурияти бўлиб, ўз вақтида тўлов амалга оширилмаганлиги учун даъвогар неустойкани талаб қилишга ҳақли.**

**Неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.**

Акциядорлик жамиятининг (АЖ) жавобгар "Х" масъулияти чекланган жамиятидан 505 188 000 сўм асосий қарз, 175 558 818 сўм пеня, жами 680 756 818 сўмни ундириб бериш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Даъвогарнинг назорат шикоятда судлар иш ҳолатларини тўлиқ ўрганмасдан, асосиз равишда даъвонинг пеня қисмини қаноатлантиришни рад этишгани баён қилиниб, суд қарорларининг пеня ундиришни рад этиш қисмини бекор қилиш ва жавобгар "Х" масъулияти чекланган жамиятидан 175 558 818 сўм пеня ундириш сўралган.

Иш ҳужжатларига кўра, АЖнинг ҳудудий газ таъминоти филиали (етказиб берувчи) ва жавобгар (истеъмолчи) — "Х" масъулияти чекланган жамияти ўртасида табиий газни автомобилларга газ тарқатиш компрессор шахобчаларига етказиб бериш тўғрисида тузилган шартноманинг 4.20-бандида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида" 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорига асосан истеъмолчи (автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор шахобчалари)га етказиб берилган ҳар бир куб-метр табиий газ ҳажми учун махсус инвестициявий кўшимча тўловни амалга ошириши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори 6-банди иккинчи хатбоши си мазмунига кўра, 2016 йил 1 январдан бошлаб автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларига (балансида автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари мавжуд юридик шахс-

ларни ўз ичига олган ҳолда) сотадиган табиий газнинг улгуржи сотиш нархига солиққа тортилмайдиган махсус инвестициявий кўшимча ҳақи бир куб-метрига 500 сўм миқдорида белгиланган (ушбу хатбоши 2018 йил 29 декабрдаги ПҚ-4088-сонли қарор билан чиқариб ташланган).

Яъни етказиб берилган ҳар бир куб-метр газ нархига 500 сўмлик қилиб кўшимча белгиланган. Истеъмолчи етказиб берилган газ ҳажми бўйича унинг қиймати ҳамда унга кўшимчани тўлаб бериши лозим бўлган. Шартноманинг 4.20-бандида эса, истеъмолчи бу тўловни амалга ошириши шартлиги, 4.21-бандида истеъмолчи кунлик тўловни АЖнинг хизмат кўрсатувчи банкда очилган махсус ҳисоб рақамига ўтказиб бериши лозимлиги қайд этилган.

Шуларга асосан, даъвогар АЖ жавобгар "Х" масъулияти чекланган жамияти унга етказиб берилган 1 010 376 куб-метр газ учун 505 188 000 сўмлик махсус инвестициявий кўшимча тўловни амалга оширмаганлиги сабабли ушбу суммани ҳамда ўз вақтида тўлов амалга оширилмаганлиги учун шартнома асосида ҳисобланган 175 558 818 сўм пеняни ундириб беришни сўраган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 8.6-бандига кўра, шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлаши кўрсатилган.

Жавобгар "Х" масъулияти чекланган жамияти томонидан жами 1 449 243 000 сўмлик тўлов кечиктирилган ва тўланмаган кунлар ҳисобидан 175 558 818 сўм пеня ҳисобланган ва ушбу сумма кечиктирилган асосий қарзнинг 50 фоизидан ошмайди.

2018 йилнинг 5 июль ҳолатига жавобгарнинг даъвогар олдидagi қарзи 505 188 000



сўмни ташкил қилган бўлса-да, судга даъво тақдим этилганидан кейин ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар (2018 йил 30 июль куни) жавобгар даъвогарга 510 000 000 сўм маблағни шартномага асосан қўшимча тўлов сифатида тўлаб берган.

Биринчи инстанция суди даъвонинг 505 188 000 сўм асосий қарзни ундириш қисмини қаноатлантиришни рад этиб, даъвонинг рад этилган асосий қарз қисми бўйича давлат божини даъвогар зиммасига юклаб асосли қарор қабул қилган бўлса-да, даъвонинг 175 558 818 сўм пеня ундириш қисмини қаноатлантиришни рад этиб, хатога йўл қўйган. Чунки шартномада назарда тутилган ва ПҚ-2455-сонли қарор билан белгиланган тўловни кунлик тарзда тўлаш жавобгарнинг мажбурияти бўлиб, ўз вақтида тўлов амалга оширилмаганлиги учун даъвогар неустойкани талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 260-моддаси биринчи қисмига кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка, 261-моддасининг учинчи қисмига кўра, қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

Ушбу кодекснинг 263-моддаси биринчи қисмига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувидан назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Олий ҳужалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикасининг "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунини иқтисодий судлар амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли қарори 11-бандининг иккинчи хатбошисига кўра, шартнома тузилганлиги ва унинг мазмуни далиллар билан исботланган ҳолларда судлар кредиторнинг талаби билан қонуний неустойкани (ФКнинг 263-моддаси) ҳамда мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёхуд лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарни

(ФКнинг 324-моддаси) ундириб беришга ҳақлидирлар.

Олий ҳужалик суди Пленумининг "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулккий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарори 4-бандининг биринчи хатбошисига кўра, Фуқаролик кодексининг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулккий аҳволини, шунингдек, кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли.

Даъвогар томонидан жавобгардан 175 558 818 сўм пеняни ундириш тўғрисида асосли талаб судга тақдим этилган бўлса-да, пеня миқдорининг ошиб кетишига даъвогарнинг ўз вақтида судга мурожаат қилмаганлиги сабаб бўлган. Шунга кўра, судлов ҳайъати талаб қилинган пенянинг 40 000 000 сўм қисмини қаноатлантиришни, унинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади, ушбу модданинг олтинчи қисмига кўра, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Судлов ҳайъати қайд этилганларни эътиборга олиб, иш бўйича қабул қилинган куйи суд қарорларининг пеняни ундиришни рад этиш қисмини бекор қилиш ва даъвогарнинг пеня ундириш тўғрисидаги даъво талабини қисман қаноатлантириш, давлат божини жавобгар "Х" масъулияти чекланган жамиятидан ундириш ва суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

**4-1807-1802/1290-сонли иш**

**2. Хўжалик юритувчи субъект йилни зарар билан яқунлаган бўлса, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисобланмайди.**

Давлат солиқ инспекциясининг "N" масъулияти чекланган жамиятидан 453 293,0 минг сўм ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилган, масъулияти чекланган жамиятидан 400 523,4 минг сўм солиқ ва мажбурий тўловлар ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Жавобгар масъулияти чекланган жамияти назорат тартибидаги шикоятда иш бўйича суд қарорларини бекор қилиб, даъвони 94 351,9 минг сўм миқдоридида қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилишни ҳамда иш назорат тартибида судлов ҳайъатида кўрилиши давомида илтимоснома билан мурожаат қилиб, солиқ органи томонидан қўшимча равишда ҳисобланган солиқларнинг тўғрилигини текшириш юзасидан экспертиза тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъатининг ажрими билан жавобгарнинг илтимосномаси қаноатлантирилиб, иш юзасидан экспертиза тайинланган.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Экспертлик кенгашининг маълумотида кўра, жавобгар масъулияти чекланган жамияти тўлаши лозим бўлган қўшимча солиқлар миқдори жами 217 468,5 сўмни ташкил қилиши кўрсатилган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорларни ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 23 февралдаги ПҚ-2796-сонли қарорига мувофиқ Қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хатловдан ўтказиш ҳамда аниқлаш бўйича идоралараро комиссияси томонидан 2017 йил 3 июнда тасдиқланган йиғилиш баёнининг самарасиз лойиҳа сифатида тасдиқланган 3-иловасига мувофиқ жавобгар масъулияти чекланган жамиятига қарашли объект самарасиз лойиҳа сифатида белгиланган.

Ушбу асосга кўра, давлат солиқ инспекцияси томонидан жавобгар масъулияти

чекланган жамиятига нисбатан 453 293,0 минг сўм қўшимча солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланган ва Солиқ кодексининг 70-моддаси еттинчи қисми асосида қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Кейин даъвогар даъво талабидаги суммани ўзгартириб, жавобгардан жами 453 293,0 минг сўм қўшимча солиқни ундиришни сўраган.

Солиқ кодексининг 70-моддаси биринчи қисмига кўра, камерал назорат солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назорат бўлиб, еттинчи қисмига кўра, солиқ тўловчи томонидан аниқланган тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Судга тақдим этилган даъво аризаси ҳужжатлар билан асослантирилган бўлиши ва унда кўрсатилган қўшимча солиқлар амалдаги солиқ қонунчилиги нормаларига қатъий мос келиши шарт. Бироқ давлат солиқ инспекцияси томонидан жавобгар масъулияти чекланган жамиятига нисбатан қўшимча солиқларни ҳисоблашда солиқлар миқдорининг қонун нормаларига номувофиқ ҳисобланишига йўл қўйилган. Яъни давлат солиқ инспекцияси томонидан жавобгар масъулияти чекланган жамиятига жами 453 293,0 минг сўм қўшимча равишда солиқ ҳисобланган.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Экспертлик кенгашининг маълумотида кўра, жавобгар масъулияти чекланган жамияти тўлаши лозим бўлган қўшимча солиқлар миқдори жами 217 468,5 сўмни ташкил этиши, жавобгар масъулияти чекланган жамияти йилни зарар билан яқунлаганлиги учун юридик шахслардан олинадиган

фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисобланмаслиги тўғрисида хулоса берилган.

Судлар томонидан даъвогар ҳисоблаган қўшимча солиқларнинг тўғрилиги, амалга оширилган ҳисоб-китобларнинг асослилиги тўлиқ ўрганилмасдан қарор қабул қилинган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъатининг қарори билан жавобгарнинг назорат шикоят қисман қаноатлантирилиб, суд қарорларининг "N" масъулияти чекланган

жамиятидан давлат солиқ инспекцияси фойдасига 400 523,4 минг сўм ундириш қисми — 217 468,5 минг сўмга, республика бюджетига 4 005 234 сўм давлат божи ундириш қисми 2 174 685 сўмга ўзгартирилган.

Шунингдек, давлат солиқ инспекцияси томонидан йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан хусусий ажрим чиқарилиб, ваколат доирасида кўриб чиқилишини таъминлаш учун Давлат солиқ қўмитасига юборилган.

**4-2001-1802/2472-сонли иш**

**3. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойининг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.**

Туман ҳокимининг қарори билан ширкат хўжалиги қир-адир ерларидан 2 гектар ер майдони боғ барпо этиш учун 50 йил муддатга фуқаро А.га ажратиб берилган. Лекин бир ярим йилдан кейин туман ҳокимининг бошқа қарори билан ушбу қарор бекор қилинган.

Ушбу туман ҳокимининг янги қарори билан ширкат хўжалигининг кам рентабелли тошлоқ ерларидан 1 гектар ер майдони 50 йил муддатга фуқаро Х.га ажратиб берилган ва шу қарор асосида "P" фермер хўжалиги ташкил этилган.

Туман ҳокимининг қарори устидан фуқаро А. (кейинчалик "Z" фермер хўжалиги раҳбари) томонидан берилган даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди томонидан кўриб чиқилиб, суднинг ҳал қилув қарори билан туман ҳокимининг ушбу қарори бекор қилинган.

Туман ҳокимининг қарори билан жавобгар "P" фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратилиб, унинг жами ер майдони 4,54 гектарни ташкил қилган.

Туман ҳокимининг шу йил охиридаги иккинчи қарори билан жавобгар "P" фермер хўжалигига яна қўшимча ер майдони ажратилиб, унинг ижарада фойдаланишдаги умумий ер майдони 10,5 гектарни ташкил қилган ва туман ҳокимлиги билан жавобгар "P" фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси тузилиб, фермер хўжалигининг ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ўз навбатида, туман ҳокимининг қарори асосида туман ҳокимлиги ва даъвогар "Z" фермер хўжалиги (фуқаро А) ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси тузилиб, даъвогарнинг ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Даъвогарнинг мурожаати асосида "Ўздав-ерлойиха" институти ҳамда туман ер ре-сурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассислари тузган далолатномада даъвогарга ажратилган 0,8 гектар ер майдонидан жавобгар ноқонуний фойдаланиб келётганлиги ҳолати қайд этилган.

Шу сабабли даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзига ажратилган, лекин жавобгар томонидан ўзбошимчалик билан ноқонуний эгаллаб олинган 0,80 гектар ер майдонини қайтаришни ва ўз ҳуқуқини тиклаш билан боғлиқ қилинган харажатларни, шу жумладан, унга ҳуқуқий хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ ўз вакилига қилган харажатларини (зарарни) жавобгардан ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Ер кодексининг 10-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, ер участкаси ер фондининг қайд этилган чегарага, майдон-

га, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттирилган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир. Ер участкасининг чегараси планларда (чизмаларда) қайд этилади ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланади. Ер участкасининг майдони натурада (жойнинг ўзида) чегара белгиланганидан кейин аниқланади.

Ер кодексининг 31-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келиши белгиланган.

Даъвогарнинг ер майдонига бўлган ҳуқуқи туман ҳокимининг қарори асосида туман ҳокимлиги ва даъвогар ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг вужудга келган.

Жавобгарнинг ер майдонига бўлган ҳуқуқи эса, туман ҳокимининг кейинги қарори асосида туман ҳокимлиги билан жавобгар ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг вужудга келган.

Биринчи инстанция суди юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, даъвогарнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи мавжудлигини инобатга олиб, ишдаги далиллар билан жавобгар даъвогарнинг ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаганлиги ҳолати исботланган деб ҳисоблаб, даъвонинг ер майдонини қайтариш талабини қаноатлантириш тўғрисида хулосага келган.

Бироқ биринчи инстанция суди даъвогарга тегишли бўлган жавобгар эгаллаган ер майдонининг ўлчамига аниқлик киритмаган.

Кассация инстанцияси суди эса, ишдаги ушбу далилларга тегишли ҳуқуқий баҳо бермасдан, нима сабабдан ушбу далиллар мақбул далил сифатида инобатга олинмаслигини қарорда кўрсатмасдан, даъвогарнинг ер майдонига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтмаганлиги тўғрисида асослантилмаган хулосага келиб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Даъвогарнинг ўзига ажратилган ер майдонига бўлган ҳуқуқи мавжудлиги иш ҳужжатларидаги туман ҳокимлиги билан даъвогар ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси ҳамда даъвогарга ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан ўз тасдиғини топади.

Шу билан бирга, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси вакилининг судда берган кўрсатмалари, ишдаги ҳужжатлар ҳамда назорат инстанциясида ишни кўришда низоли ер майдони юзасидан жойига чиқиб, ўлчов ишларини қайта амалга оширилиши натижаси бўйича маълумотга кўра, хўжалик харитасининг контурида жами 0,80 гектар ер мавжудлиги, туман ҳокимининг қарорида техник хатоликка йўл қўйилиб, ер контури нотўғри кўрсатилганлиги, аслида ушбу қарор билан жавобгарга бошқа контурдан қисман ер майдони ажратилганлиги, жавобгар ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ер майдонининг 0,31 гектар қисми бошқа массивдаги ер эканлиги, даъвогарга тегишли жавобгар эгаллаб олган ер майдони 0,70 гектарни ташкил қилиши аниқланган.

Ер кодексининг 91-моддасига кўра, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгаллик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлигига кўра, қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра, амалга оширилади.

Шу сабабли судлов ҳайъати, мазкур даъво талабини қисман қаноатлантириш ва жавобгардан даъвогарга унга тегишли 0,70 гектар ер майдонини қайтариш, даъво талабининг 0,10 гектар ер майдонини қайтариш қисмини эса, қаноатлантиришдан рад этишни лозим топган.

Бундан ташқари ишни назорат инстанциясида кўришда тақдим қилинган далилларга кўра, даъвогар томонидан бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун адвокатлик ҳайъати билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномага асосан адвокат хизмати учун пул маблағи сарфлаган.

Бироқ биринчи инстанция суди мазкур талабни қаноатлантириш тўғрисида хулосага келган бўлса-да, ушбу ҳолатни тасдиқловчи далилларни иш ҳужжатларига қўшмаган ва уларга ҳуқуқий баҳо бермаган.

Ҳолбуки, Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 19-бандида зарарни қоплаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда зарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан тарафнинг қилган харажатлари, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек, агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганда тараф олиши мумкин бўлган, лекин унинг

ололмай қолган даромадлари, ҳуқуқи бузилган шахснинг ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари ҳам кириши (Фуқаролик кодексининг 14-моддаси иккинчи қисми); бундай харажатларнинг зарурийлиги ва уларнинг тахминий миқдори асослантирилган ҳисоб-китоб, товар, иш, хизмат кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этиш учун кетадиган харажатлар сметаси (калькуляция) сифатидаги далиллар, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик даражасини белгиловчи шартнома ва бошқалар билан тасдиқланган бўлиши кераклиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, даъвони қисман қаноатлантириш, "Z" фермер ҳўжалигига тегишли жавобгар "P" фермер ҳўжалиги томонидан ўзбошимчилик билан ноқонуний эгаллаб олинган 0,70 гектар ер майдонини "Z" фермер ҳўжалигига қайтариш, "P" фермер ҳўжалигидан "Z" фермер ҳўжалиги фойдасига етказилган зарарни ундириш, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

**4-1505-1801/1127-сонли иш**

**4. Комиссионер ва комитент ўртасида тузилган воситачилик шартномасига кўра, комиссионер ўз номидан комитент ҳисобидан чет давлат фирмаси билан маҳсулотларни сотиш бўйича шартномалар тузиши, комитент эса, комиссионерга кўрсатилган хизмат ҳақини тўлаш мажбуриятини олиши, маҳсулот комиссия шартномаси бўйича воситачи томонидан реализация қилинганда, божхона юк декларациясида комиссия шартномаси кўрсатилиши лозим.**

**Товарларни чет давлатга етказиб бериш учун чет эллик шахс билан тузилган контрактлар комитент томонидан давлат солиқ органига тақдим этилиши керак. Агар товарларни экспорт қилишда субъект экспортёр ҳисобланмаса, экспорт қилинган товар суммасига белгиланган фоиз солиқ ставкасида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳисобланади.**

Давлат солиқ инспекцияси томонидан Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан "МС" акциядорлик жамиятида ўтказилган камерал назорат натижасида акциядорлик жамияти томонидан Давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи (бундан кейинги ўринларда — ҚҚС) ҳисоботида маҳсулот сотишдан тушган тушум 650 293 500 сўм, шундан 54 400 784,94 АҚШ доллари ёки эквивалентида 275 758 400 000 сўм миқдоридаги товарлар экспорт қилинганлиги кўрсатилганлиги, бироқ

божхона органлари томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан акциядорлик жамияти томонидан йил давомида 39 182 304,38 АҚШ доллари ёки эквивалентида 165 939 600 000 сўм миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинганлиги, шундан келиб чиқиб, маҳсулот экспорти жамиятнинг умумий реализациясида сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоизга етмаслиги сабабли ҚҚС бўйича 21 963 800 сўм кам ҳисобланганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолатлар бўйича Давлат солиқ ин-

спекциясининг акциядорлик жамиятига юборган талабномасига акциядорлик жамияти томонидан берилган жавобда йил давомида маҳсулот экспорти жамиятнинг умумий реализациясида сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоизга етмаслигининг сабаби Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кимё саноатида экспорт-импорт фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сонли қарори ижроси юзасидан октябрь ойидан бошлаб "Ўзкимёимпекс" масъулияти чекланган жамияти орқали воситачилик шартномасига асосан маҳсулот экспорти амалга оширилганлиги ва шу сабабли қарорнинг 9-бандига асосан "Ўзкимёимпекс" масъулияти чекланган жамияти орқали маҳсулот экспортини амалга оширувчи ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ҳам солиқлардан имтиёз ва преференциялар берилганлиги билдирилган.

Давлат солиқ инспекцияси ушбу имтиёз берувчи қонуний ҳужжат бўйича қанча миқдорда маҳсулот экспорт қилинганлиги ва қўлланилган суммага аниқлик киритиш мақсадида "Ўзкимёимпекс" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган экспорт маҳсулотларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш ҳақида акциядорлик жамиятига талабнома юборган.

Акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган талабномадаги тафовут суммасини ташкил қилувчи ҳужжатлар реестри ва маълумотлар Давлат солиқ инспекцияси томонидан ўрганиб чиқилганда йил давомида акциядорлик жамияти ишлаб чиқарган маҳсулотини "Ўзкимёимпекс" масъулияти чекланган жамияти орқали 12 590 302,3 АҚШ доллари ва "N" акциядорлик жамияти орқали 1 473 045 АҚШ доллари ёки эквивалентда 11 883 400 000 сўм миқдорда экспорт қилганлиги маълум бўлиб, натижада 1 155 133,26 АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорти тасдиқланмаган.

"Ташқи манба дастури"дан олинган маълумотда "N" акциядорлик жамияти орқали экспорт қилинган 1 473 045 АҚШ доллари ёки эквивалентда 11 883 400 000 сўм миқдоридаги товарлар ишлаб чиқарувчиси ва экспортёр сифатида "N" акциядорлик жамияти кўрсатилганлиги аниқланган. Шунга кўра, 1 155 133,26 АҚШ доллари миқдорида товарлар экспорти тасдиқланмаганлиги ҳамда

"N" акциядорлик жамияти орқали экспорт қилинган 1 473 045 АҚШ доллари ёки эквивалентда 11 883 400 000 сўм миқдоридаги товарларни экспорт қилишда акциядорлик жамияти экспортёр ҳисобланмаслиги сабабли ушбу суммаларга 20 фоиз солиқ ставкасида 2 376 680 000 сўм ҚҚС ҳисобланган.

Давлат солиқ инспекцияси томонидан акциядорлик жамиятига ҚҚС суммасини тўлаш ҳақида талабнома юборилган бўлса-да, акциядорлик жамияти томонидан талабнома оқибатсиз қолдирилганлиги важлари билан Давлат солиқ инспекцияси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, акциядорлик жамиятидан 2 376 680 000 сўм ҚҚСни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Фуқаролик кодексининг 832-моддасида воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олиши белгиланган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, "N" акциядорлик жамияти (комиссионер) ва акциядорлик жамияти (комитент) ўртасида тузилган воситачилик шартномасига кўра, комиссионер ўз номидан акциядорлик жамияти ҳисобидан чет давлат фирмаси билан кимёвий маҳсулотларни сотиш бўйича шартномалар тузиши, акциядорлик жамияти эса, комиссионерга кўрсатилган хизмат ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Солиқ кодексининг 213-моддаси иккинчи қисмига кўра, маҳсулотлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топшириқ) шартномаси бўйича реализация қилинганда экспортни тасдиқлаш учун комитент (топшириқ берувчи) томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

солиқ тўловчи билан воситачи ёки ишончли вакил ўртасидаги воситачилик шартномаси ёки топшириқ шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси);

солиқ тўловчининг топшириғига кўра (воситачилик шартномаси ёки топшириқ шартномасига мувофиқ) экспортга товарлар ет-

казиб беришни амалга ошираётган шахснинг товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига етказиб бериш учун чет эллик шахс билан тузилган контракт (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

товарларни экспорт режимига чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларациясининг кўчирма нусхаси.

Суд мажлисида аниқланишича, товарларни чет давлатга етказиб бериш учун чет эллик шахс билан тузилган контрактлар акциядорлик жамияти томонидан Давлат солиқ инспекциясига тақдим этилмаган.

Бундан ташқари божхона юк декларацияларининг 2-графасида маҳсулот тўғридан-тўғри "N" акциядорлик жамияти томонидан реализация қилинаётганлиги кўрсатилган. Ҳолбуки, маҳсулот комиссия шартномаси бўйича воситачи томонидан реализация қилинганда, мазкур жадвалда комиссия шартномаси кўрсатилиши лозим.

Адлия вазирлигида 2016 йил 6 апрелда 2773-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сонли қарори билан тасдиқланган "Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома 4-бобининг талаблари асосида ишдаги божхона юк декларацияларининг тўлдирилиши ўрганилганда низоли маҳсулотлар бўйича экспортёр ва товар ишлаб чиқарувчиси "N" акциядорлик жамияти эканлиги кўринади.

Хусусан, ишдаги божхона юк декларацияларининг 32-жадвалида экспортёр "N" акциядорлик жамияти эканлиги, 43-графасида маҳсулот "N" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилганлиги қайд этилган.

Солиқ кодексининг 218-моддаси учинчи қисмига кўра, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни экспортга реализация қилиш обороти мақсадида фойдаланиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи товарлар экспортдан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади. Товар воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли

вакил орқали экспортга реализация қилинган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг суммаси улушида ҳисобга олинади.

Акциядорлик жамиятининг хорижий контрагентдан валюта тушуми "N" акциядорлик жамиятига келиб тушганлиги ва кейинчалик акциядорлик жамиятига ўтказиб берилганлиги, шу сабабли буни акциядорлик жамияти томонидан товар экспорт қилинганлигини тасдиғи сифатида кўриш лозимлиги ҳақидаги важи асоссиздир. Чунки мазкур низога оид экспорт контрактларида сотувчи, экспортёр ва маҳсулотни ишлаб чиқарувчи сифатида "N" акциядорлик жамияти кўрсатилган.

Қолаверса, агар божхона юк декларациялари нотўғри тўлдирилганлиги аниқланса, декларант уларни уч йил муддатда қайта расмийлаштириши мумкин.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятининг Давлат солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботи асосида ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича 1 155 133,26 АҚШ доллари миқдорида товарлар ҳамда "N" акциядорлик жамияти орқали экспорт қилинган 1 473 045 АҚШ доллари ёки эквивалентида 11 883 400 000 сўм миқдоридаги товарлар акциядорлик жамияти томонидан экспорт қилинганлиги тасдиқланмаганлиги ва шунга кўра акциядорлик жамиятига ҚҚС суммаси ҳисобланиши ҳақида Давлат солиқ инспекциясининг ҳулосаси асослидир.

Бироқ суд низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилишда Давлат солиқ инспекцияси томонидан тақдим этилган далилларга, хусусан божхона юк декларацияларини, низога оид экспорт шартномаларини ўрганмасдан ва уларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида асоссиз ва нотўғри ҳулосага келган, апелляция инстанцияси суди эса биринчи инстанция судининг хато ва камчиликларини тузатмасдан, асоссиз равишда ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Судлов ҳайъати қайд этилганларга кўра, иш юзасидан қабул қилинган суд қарорларини бекор қилиш ва даъвони тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

**4-1102-1801/2441-сонли иш**

# Суд органлари фаолияти янада такомиллашади

Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонунига киритилган ўзгартишлар келгусида судлар фаолиятини янада такомиллаштиради.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди  
котибияти мудир, юридик фанлар номзоди*

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифаларни ижросини таъминлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини замон талаблари даражасида амалга оширишда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларидан алоҳида масъулият ҳамда ўз вазифаларига жиддий ёндашувни талаб этаётгани сир эмас. Бу эса, ўз навбатида, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруратини кун тартибига қўймоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунларни замон талаблари асосида такомиллаштирилиши, қолаверса, уларни давлат ва жамият ҳаётидаги туб ўзгаришларга ҳамоханг тарзда янгилаб борилиши, мамлакат тараққиётининг муҳим шарт ҳисобланади.

Жорий йилнинг 10 май кунидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг

"Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мамлакат Олий суди фаолиятининг кафолатларини янада мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан эътиборга молик.

Маълумки, 2017 йил 31 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонунда Конституциявий суд ваколатлари кенгайтирилиб, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқиши белгилаб қўйилган. Бироқ бундай ишлар Конституциявий судга қандай тартибда киритилиши ва бунди киритиш ҳуқуқига эга

бўлган субъектнинг ҳуқуқлари тегишли қонунларда тартибга солинмаган эди.

Юқорида номи қайд этилган қонун билан Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва ушбу Қонуннинг "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ваколатлари" деб номланган 17-моддаси иккинчи қисми учинчи хатбоши билан тўлдирилиб, унда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига судлар ташаббуси билан киритилган мурожаати ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиш" Олий суд Пленуми ваколатига берилди. Ушбу тақдимнома Олий суд Пленумига Олий суд раиси томонидан киритилади. Шунинг учун амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасидаги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ваколати, тегишли тартибда "қонунларни шарҳлаб бе-





ришни талаб этувчи масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритади;

Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига судлар ташаббуси билан киритилган мурожаати ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми кўриб чиқиши учун тақдимнома киритади" деган жумла билан тўлдирилмоқда.

Албатта, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунига киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар келгусида судлар фаолиятини янада такомиллаштирилишига ва

улар томонидан тўғри қарор қабул қилишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли, десак муболаға бўлмайди. Чунки амалиётда судлар томонидан муайян ишлар кўриб чиқиладиганда турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганишга зарурат пайдо бўлади ва ўрганиш якуни бўйича муайян иш юзасидан суд ажрими ёки қарорини чиқариши зарур.

Тасаввур қилинг, масалан, муайян ишга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат, эҳтимол у қонунлар бўладими, ҳукумат ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларими ёки Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларими, агар улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ бўлмаса, судья

томонидан унга асосан чиқарган қарор қонунга зид бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам судья қарор қабул қилишда муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатни конституцияга мувофиқ эмас деган шубҳага борса, бу масалани кўриб чиқишни Конституциявий судга киритишни сўраб Олий суд расига мурожаат қилиши керак бўлади. Бунинг тартибтаомиллари эса, тегишлича амалдаги қонунда ўз аксини топмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунига киритилган ўзгартишлар келгусида судлар фаолиятини янада такомиллаштирилишига ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

# Ҳуқуқий тараққиёт сари яна бир муҳим қадам

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 5 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Фармойишда таъкидланганидек, 1995-1996 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси "ўтиш даври"нинг кенг кўламли ўзгаришларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнади.

## Илҳом НАСРИЕВ,

Судьялар олий кенгаши  
ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг  
кафедра мудири,  
юридик фанлар доктори, профессор

Шунингдек, ушбу ҳужжат юртимиз тараққиётининг янги босқичида иқтисодий янада либераллаштириш, иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорликни рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича устувор вазибаларни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, бугунги кунда Фуқаролик кодексида бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, халқаро рейтингда мамлакат ўрнини яхшилашга салбий таъсир кўрсатувчи жиддий камчилик ва бўшлиқлар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Мазкур Фармойиш фуқаролик қонунчилигидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга халақит бераётган камчилик ва бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган.

Фармойиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг асосий устувор йўналишларини ўзида акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир. Унда устувор йўналишлар сифатида қуйидаги муҳим масалалар назарда тутилмоқда:

- фуқаролик қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва унификация қилиш, уларнинг энг намунали хорижий амалиётлар билан уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳага доир илғор халқаро стандартлар-

ни имплементация қилиш;

- хусусий мулк дахлсизлиги кафолатларини таъминлайдиган, жисмоний ва юридик шахслар, айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни белгилаш;

- оммавий ва фуқаролик ҳуқуқ нормаларини аниқ чегаралаш, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик тамойилларига асосланган, ўз аҳамиятини йўқотган ва эскириб қолган қоидаларни чиқариб ташлаш;

- давлат-хусусий шериклиги, кластерлик ишлаб чиқариши, электрон тижорат, крипто-валюта айланмаси, ер участкаларини хусусийлаштириш, улушли қурилиш ва бошқа замонавий фуқаролик-ҳуқуқий институтлар ва иқтисодий муносабатлар шаклларини ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш.

Фармойишда белгиланган ҳар бир устувор йўналиш, ўз навбатида, бир қатор субинститутларни ўз ичига қамраб олади. Фикримизча, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ мазкур субинститутларнинг комплекс такомиллаштирилиши натижасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг янги поғонасига кўтарилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки, Фармойиш билан "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси" тасдиқланди. Концепциянинг кириш қисмида фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим қоидаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаро-



ролик кодекси тез ривожланаётган иқтисодий муносабатлар талабларига ва халқаро стандартларга етарли даражада жавоб бераётганлиги сабаблари санаб ўтилган. Яъни:

**биринчидан**, эскирган ҳуқуқий институтлар, шунингдек, бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатлар ҳуқуқий тизимида мавжуд бўлмаган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари сақланиб қолинаётганлиги;

**иккинчидан**, "тижорат таваккалчилиги", "хўжалик юритувчи субъектлар тенглиги", "адолатли компенсация", "шартномавий мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш" каби анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий институтларнинг мавжуд эмаслиги;

**учинчидан**, замонавий бозор шароитларида талаб этиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ва муносабатларнинг алоҳида шакллари, шу жумладан, давлат-хусусий шериклиги, дилерлик шартномаси, улушли қурувчилик, кластер ишлаб чиқариш, электрон тижорат, крипто-валюта айланмаси, ер участкасини хусусийлаштириш ва бошқаларни тартибга солишнинг назарда тутилмаганлиги;

**тўртинчидан**, кўп миқдордаги ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айланишига тўсқинлик қилаётганлиги ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш борасидаги мақомини пасайтираётганлиги;

**бешинчидан**, бир-бирига ўхшаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги қоидалар аралашмасидан ташкил топган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг кўплиги;

**олтинчидан**, Фуқаролик кодексида фуқаролик ҳуқуқи институтларига тааллуқли бўлмаган оммавий ҳуқуқ нормалари, хусусий мулк ва шартномавий муносабатларига оид асосланмаган миқдорда чекловлар мавжудлиги;

**еттинчидан**, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи қоидалар деярли мавжуд эмаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Энг асосийси, ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Фармойишга биноан 2020 йил 1 апрелга қадар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган бошқа нор-

матив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда ваколатли органлар кўриб чиқишига киритиш вазифаси юклатилди.

Янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексида унинг айрим институтлари ва нормалари тубдан янгиланиши кутилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитларига мос келмайдиган ёки юридик техника қоидаларини бузадиган мавжуд қоидалар чиқариб ташланади. Бунда асосий вазифа товарлар, ишлар, хизматлар бозори қоидаларини халқаро стандартларга биноан белгилашга қаратилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг биринчи қисми фуқаролик қонунчилиги нормаларини унификация қилиш ва тизимлаштириш мақсадини кўзда тутди.

Бунда аввало, фуқаролик қонунчилиги инвентаризациядан ўтказилади, атама ва тушунчаларга таъриф берилади. Шунингдек, турлича шарҳлашга имкон берадиган нормалар чиқариб ташланади, ҳаволаки нормалар қисқартирилади, ҳуқуқий бўшлиқ ва коллизиялар бартараф қилинади.

Концепциянинг иккинчи қисми асосан фуқаролик-ҳуқуқий институтларини такомиллаштиришга қаратилган. Бунда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг амалдаги принциплари такомиллаштирилади ва янгилари жорий этилади.

Шу жумладан, тушунча ва атамалар қайта кўриб чиқилади, янги тушунчалар киритилади, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини виждонан амалга оширишни таъминлашга қаратилган чора ва воситалар такомиллаштирилади, зарарни ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилади, вакиллик институти такомиллаштирилади. Эр-хотиннинг биргаликдаги васиятомаси ва мерос шартномасига оид қоидалар киритилади, меросни қабул қилиб олиш муддатлари белгиланади, халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари қайтадан кўриб чиқилади.

Учинчи қисмда эса, бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини шакллантиришга қаратилган қатор янгилар амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Концепциянинг тўртинчи қисмида замонавий шароитларда талаб юқори бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг инновацион шакл ва таомилларини жорий қилиш белгиланган. Чунончи,

фуқаролик муносабатларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш назарда тутилмоқда.

Концепциянинг бешинчи қисми бевосита ушбу ҳужжат амалга оширилишидан кутилаётган натижаларга бағишланган. Бунда айнан бу борадаги қонун ҳужжатларининг тақомиллаштирилиши нималарга имкон беришига эътибор қаратилади.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало, иқтисодиётни янада либераллаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилишини қайд этиш лозим. Иқтисодиётда давлатнинг иштироки қисқаради, мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилади, хусусий мулкнинг устувор роли таъминланади, ишбилармонлик муҳити ва инвестиция иқлими яхшиланади, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрни кескин ошади.

Фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим қоидаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси фуқаролик қонун ҳужжатлари тизимида асосий ўринни эгаллайди.

Бинобарин, ушбу кодексни иқтисодчи, ҳуқуқшунос олимлар "Бозор Конституцияси" деб аташи бежиз эмас.

Бозор иқтисодиёти мулкӣ, мулк билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларнинг мутассил ривожланишини тақозо қилади, янги-янги хизмат турлари, турфа иш бажаришлар, товарларнинг турли хиллари вужудга келверади. Ўз навбатида, бундай хизматлар, ишлар, товарлар ва фуқаролик муомаласи ўртасидаги муносабатлар айнан фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда муносабатга киришувчилар бир-бирига бўйсунмайдилар. Чунки сотувчи, олувчи, хизмат кўрсатувчи, иш бажарувчи, хизматдан, ишдан фойдаланувчи — буларнинг бари айнан шундай муносабатларда тенг ҳисобланади.

Шунингдек, бундай тоифадаги хусусий ишлар аралашувни "ёқтирмайди". Аммо Фармойишда қайд этиб ўтилган камчилик ва қонучилиқдаги бўшлиқлар хусусий ишлар тараққий этишига тўсиқ бўлмоқда. Қонун нафақат мавжуд муносабатларни, балки келгусида вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларни ҳам тартибга солишга қодир ва тайёр туриши лозим.

Таассуфки, биз бугун фуқаролик қонун ҳужжатлари борасида бундай дея олмаймиз.

Айниқса, амалдаги Фуқаролик кодексининг хусусий мулк, оммавий мулк мақомига оид моддалари анчайин мавҳум характерга эга. Масалан, оммавий мулк ҳуқуқи субъектлари томонидан мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф қилишнинг тартиби, мол-мулкнинг бир субъектдан иккинчисига ўтказиш шартлари аниқлаштирилмаган.

Бу ўз навбатида, оммавий мулк ҳуқуқи субъектларининг ўз мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишга нисбатан баъзан бефарқ муносабатда бўлишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари муниципал мулк мақомини ҳам аниқлаштириш тақозо этилади. Шунингдек, давлат мулкни маъмурий-ҳудудий тузилмаларга бериш ёки ўтказиш жараёни мукамал тартибга солинмаган. Шу сабабли маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз балансларидаги мол-мулкларига нисбатан муносабатида мулкдорлик ҳисси сезилмайди.

Бундан ташқари Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилган, бошқа давлатларнинг ҳуқуқ тизимлари учун номаълум бўлган ҳамда ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг ривожланишига маълум маънода ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши эҳтимол тугилаётган ҳўжалик юритиш ва оператив бошқарув институтларини ҳам тақомиллаштириш вақти келди.

Бундан ташқари амалдаги Фуқаролик кодексининг юридик шахслар тўғрисидаги бобини кескин қисқартириш лозим бўлади. Негаки, Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида, шунингдек, юридик шахсларнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқӣ шакллари хусусиятларини ўзида акс эттирган алоҳида-алоҳида қонунлар қабул қилинган.

Фуқаролик кодекси ва алоҳида қонунларда айнан бир хил қоидалар мустаҳкамлаб қўйилишидан, бу борадаги такрорлардан халос бўлиш зарур. Эътибор беринг: Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка оид бўлими моддалари мисолида "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун нормаларининг қарийб 80 фоизи такрорланганини кўриш мумкин.

Фуқаролик кодексининг давлат контракти бўйича товарлар етказиб бериш ва контрактация шартномаларига оид қоидаларини муфассал тарзда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчилар ва бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини яна-

да кенгроқ ва ишончли ҳимоя қилиш мақсадини кўзлаган ҳолда такомиллаштириш ва ривожлантириш зарур.

Концепцияда қайд этилганидек, кодекснинг "Ворислик ҳуқуқи", "Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш"га оид бўлимлари моддаларини такомиллаштириш баробарида, уларни мақсадга мувофиқ тарзда тўлдириш зарурати, ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда ниҳоятда сезилмоқда.

Кодексдан бозор муносабатларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор янги институтлар, жумладан, узфрукт (фойдаланиш ҳуқуқи), иморат қуриш ҳуқуқи каби муҳим институтлар ўрин олиши даркор. Кодексга маклерлик ва факторингга оид шартнома қоидаларини, шунингдек, чеклар ва векселларга оид халқаро конвенцияларнинг муҳим қоидаларини ҳам имплементация қилиш шарт.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган Фуқаролик кодексини Президентимиз Фармойишида назарда тутилган тарзда ва мазмунда том маънода янгилаш талаб этилади. Бу, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштиришга, унинг юксалишига замин яратади.

Натижада юртдошларимизда мулкдорлик ҳисси янада ортади, манфаатдорлик таъминланади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кескин қисқаради. Пировардида юртимизда мавжуд моддий неъматлардан оқилона, самарали, мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятлари тубдан кенгайди.

*Маълумки, жорий йил 10 майда "Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун асосида мамлакатимизда амалда бўлган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.*

## Янги қонун: суд тизими ходимларига мансаб даражалари бериш тартибига ўзгартириш киритилди

**Шавкат ГАЙБЕРДИЕВ,  
Олимжон РЎЗИМУРОДОВ,  
Олий суд катта консультантлари**

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган "Суд, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида"ги Низомнинг тегишли моддаларига ўзгартиришлар киритилганини таъкидлаш лозим.

Хўш, бу ўзгартиришлар нималардан иборат?

Биринчидан, янги қонунга асосан Низомнинг номи "**Суд тизими ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида**"ги Низом деб ўзгартирилди. Бунда Президентимизнинг 2019 йил 6 январда қабул қилинган "**Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малака-**

### МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

✓ Судьялар олий мактаби — судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

✓ Судьялар олий мактабига давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилди. Ушбу олий мактаб судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширади.

Аввалги таҳрири	Киритилган ўзгартиш
<b>1-даражали юрист</b>	
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларининг, иқтисодий судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг бўлим бошлиқларига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларининг, иқтисодий судларининг бош мутахассисларига (бош консультантларига), судья катта ёрдамчиларига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьясининг катта ёрдамчиларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьясининг ёрдамчиларига, Марказнинг кадрлар бўйича катта инспекторига, Департаментнинг бош мутахассисларига, кадрлар бўйича бош инспекторига ва юрисконсультага;	Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг бўлим бошлиқларига, бош мутахассисларига, судья катта ёрдамчиларига, Олий мактабнинг девонхона мудирига, архив мудирига;
<b>2-даражали юрист</b>	
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларининг, иқтисодий судларининг катта мутахассисларига (катта консультантларига), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларининг, иқтисодий ва маъмурий судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг девонхона мудирларига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг малака ҳайъатлари котибларига, Департамент ҳудудий бўлимларининг бош мутахассисларига;	Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг катта мутахассисларига, девонхона мудирларига, судьялар малака ҳайъатлари котибларига, Департамент ҳудудий бўлимларининг бош мутахассисларига;
<b>3-даражали юрист</b>	
Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг судья ёрдамчиларига, девонхона мудирларига, туман (шаҳар) маъмурий судларининг судья ёрдамчиларига, ҳудудий ҳарбий судларнинг судья ёрдамчиларига берилади.	туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, ҳудудий ҳарбий судларнинг судья ёрдамчиларига, девонхона мудирларига;

**сини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қароридан белгиланган вазифалар муҳим аҳамиятга

эгадир.

Маълумки, ушбу қарорга мувофиқ, яқинда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси сифатида **Судьялар олий мактаби** ташкил этилди.

Иккинчидан, Низомнинг биринчи моддасида белгиланган **“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази”** деган сўзлар **“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби”** деган сўзлар билан алмаштирилди.

Учинчидан, суд ходимларига бериладиган мансаб даражалари қайта кўриб чиқилди.

Шу пайтга қадар, хусусан, **1-даражали адлия маслаҳатчиси** мансаб даражаси — фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Котибияти мудирига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бошқармалари бошлиқларига, Кенгаш котибига, Департамент директорига берилган.

Эндиликда ушбу мансаб даражаси — Олий мактабнинг кафедра мудирига, кафедра профессорига, кафедра доцентига, Департамент директорининг ўринбосарига ҳам бериладиган бўлди.

Шунингдек, **2-даражали адлия маслаҳатчиси** мансаб даражаси — бундан буён Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта экспертларига, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бошқарма бошлиқлари ўринбосарларига ва бўлим бошлиқларига, Ўзбекистон Республикаси Конс-

титучиявий суди раисининг, Олий суди раисининг ёрдамчиларига, Кенгашнинг етакчи инспекторларига ва биринчи бўлими мудирига, Олий мактабнинг бўлим бошлиқларига, кафедра ўқитувчиларига, Департаментнинг бўлим ва ҳудудий бўлимлари бошлиқларига берилади.

Ўз навбатида, **3-даражали адлия маслаҳатчиси** мансаб даражаси — эндиликда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг экспертларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати котибиятининг бошлиғига, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бўлим бошлиқлари ўринбосарларига, бош ва катта консультантларига, Кенгашнинг архив мудирига ва девонхона мудирига, Олий мактабнинг юрисконсултига, бош ва етакчи мутахассисларига, Департаментнинг бош мутахассисларига, кадрлар бўйича бош инспекторига ва юрисконсултига бериладиган бўлди.

**мансаб даражасини беришга ҳақлилиги** белгилаб қўйилди.

#### Аттестация комиссияси

— раис, раис ўринбосари, беш нафар комиссия аъзолари ҳамда масъул котибдан иборат таркибда Олий суд раисининг таклифига асосан Олий суд Раёсати қарори билан тасдиқланади.

Олий суд Раёсатининг 2017 йил 30 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига мансаб даражаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорида ушбу мансаб даражаларини олиш бўйича тартиб-таомиллар кўзда тутилган.

Хусусан, қарорнинг 1-илоvasига асосан "**Ўзбекистон**

ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига мансаб даражаларини бериш бўйича аттестация комиссиясининг хулосасига асосан **Олий суд раиси томонидан** берилади.

Ҳар бир мансаб даражасида бўлиш муддати ижобий аттестация мавжуд бўлган тақдирда, **3, 2, 1-даражали юристлар учун икки ярим йилни, 3 ва 2-даражали адлия маслаҳатчилари учун тўрт йилни** ташкил қилади.

Ходимга муддатидан олдин юқорида мансаб даражаси унга аввал берилган мансаб даражасида бўлиш **муддати тугамаган тақдирда ҳам берилиши мумкин**.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонун билан "Суд, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ва Ўзбекистон Рес-

Аттестация комиссиясига материаллар қуйидаги муддатлар ўтгандан сўнг бир ой ичида тақдим этилиши лозим;

муқаддам олий юридик мутахассислиги бўйича ишламаган ходимларга нисбатан – олти ой ўтгандан сўнг;

муқаддам олий юридик мутахассислиги бўйича бошқа ташкилотларда ишлаган ходимларга нисбатан – уч ой ўтгандан сўнг;

муқаддам олий юридик мутахассислиги бўйича суд ёки Департаментда ишлаган ходимларга нисбатан – бир ой ўтгандан сўнг.

Қонунда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Олий судининг раиси, Кенгаш раиси **юқорида назарда тутилмаган лавозимни штат жадвалида мавжуд муайян лавозимга тенглаштиришга** ҳамда **1-даражали адлия маслаҳатчиси ва унгарча бўлган**

**Республикаси Олий суди, қуйи судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига мансаб даражаларини бериш тартиби тўғрисида Низом**" тасдиқланган. Низом асосида мансаб даражалари Суд ва Олий суд

